Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 111 (5702).
16 МАЙ 1985 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII съездини муносиб совғалар билан кутиб олайлик

• Пойтахт қурилишларида

ТЕЗ ВА СОЗ

Болалар тўғрисида, уларнинг саломатлиги тўғрисида қайғуриш биринчи галдаги вазифадир. Бунга мамлакатимизда биринчи навбатда эътибор бериб келинмоқда. Шу боисдан ҳам пойтахтимизда кўплаб болалар муассасаларн қад кўтармоқда. Чунончи, Чилонзор районида гемофил касаллигига чалинган бемор болаларни даволовчи мактаб-интернат қурилмоқда. Мактаб-интернат биносида ўқув синфлари, ётоқхона корпуси, ошхона ва дам олиш хоналари бўлади. Мактабнинг олдида катта боғ ташкил этилади. Бу ерда 159-трестнинг 61-қурилиш бошқармаси бош пудратчи сифатида ўтган йилнинг декабрь ойида қурилиш ишларини бошлаб юборган эди. «Тез ва соз қурамиз!» шиори остида меҳнат қилаётган қурувчилар ўтган тўрт ой мобайнида ёмон ишлашмади. Ётоқхона корпуси синчларни тўла монтаж қилиб бўлинди, ўқув корпусида ҳам монтаж ишлари поёнига етмоқда.

Объектда Ренат Гайнуллин бошлиқ бригада зарбдорона меҳнат қилмоқда. Николай Дацковский бошлиқ бетончилар, Шаҳоб Азизов етакчилигидаги ғишт терувчилар ҳам смена топшириқларини ортиғи билан адо этишмоқда. Шу йилнинг биринчи кварталида қурилиш майдонида 170 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

КПСС XXVII съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган қурувчилар ўз зиммаларига янги мажбурият олдилар. Улар объектда белгиланган ишларни учинчи кварталда эмас, балки иккинчи кварталнинг охирида тугаллаб фойдаланишга топширишга аҳд қилдилар. Бугунги иш маромн ана шундан далолат бермоқда.

Ю. КОВАЧ.



Комсомол аъзоси, илғор чевар Матлуба Расулова «Маликa» кўлаб чиқариш бирлашмасида бир неча йилдан бери меҳнат қилиб, зиммасига олган топшириқни 150—160 процент адо этмоқда.
СУРАТДА: М. Расулова.

Х. Отабоев фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик якунларини кўриб чиқди. Шанбаликда 154 миллион киши қатнашди. Меҳнаткашларнинг истакларига биноан шанбаликда ишлаб топилган маблағни уруш ва меҳнат ветеранлари учун госпиталлар ва касалхоналар қурилишига, ветеранларга медицина ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга, жанговар шуҳрат қадамжоларини ободонлаштиришга, Москвада 1941 — 1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалаба ёдгорлигини бунёд этишга сарфлашга қарор қилинди. Шанбалик якунлари ҳақидаги ахборот матбуотда эълон қилинади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш мақсадида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг илмий ходимлар, конструкторлар ва технологлар меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш тўғрисидаги қарори қабул этилди. Бу қарор саноат ва илмий-тадқиқот институтлари шу категориядаги ходимларининг янги техника ва технологияни яратиш ва жорий этиш муддатларини қисқартиришдан, меҳнат самарадорлигини ўстириш ва бажарилаётган ишлар сифатини яхшилашдан моддий ва маънавий манфаатдорлигини оширишга қаратилган. Мазкур қарорда белгиланган тадбирларни ишлаб чиқишда кейинги йилларда Ленинград, Москва, Ульяновск ва бошқа баъзи шаҳарлардаги бир қатор корхоналарда, ташкилотларда тўпланган ижобий тажриба ҳисобга олинди.

Шу тажрибани эътиборга олиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда иш ҳақининг рағбатлантирувчи ролини ошириш кўзда тутилади. Жумладан, келгуси йилдан бошлаб ажратилган иш ҳақи фонди доирасида илм-фан ходимлари, конструкторлар ва технологларнинг мансаб маошларини ошириш белгиланган. Бу маошларнинг янги схемаси тасдиқланди. Корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарларига энг мураккаб ва масъулиятли ишларни юксак натижа билан бажаришга ижодий ҳисса қўшганлиги учун конструкторлар ва технологларнинг мансаб маошларига қўшимча ҳақ тўлашни белгилаш ҳуқуқи берилади. Илмий ходимлар, конструкторлар ва технологларни аттестациядан ўтказиш ва мукофотлаш системасини такомиллаштириш, мукофотлар миқдорини халқ хўжалигида ечимларни жорий этишдан олинадиган иқтисодий самарага маҳкамроқ боғлиқ қилиш юзасидан бир қанча тадбирлар кўзда тутилди. «Хизмат кўрсатган конструктор» ва «Хизмат кўрсатган технолог» деган Иттифоқ ва республика фахрий унвонларини белгилаш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланди.

Сиёсий бюро мажлисида КПСС XXVI съезди қарорларига биноан мамлакатимизда болали оилаларга давлат ёрдами беришни кучайтириш юзасидан кенг тадбирлар амалга оширилганлиги, ёлғиз оналарга нафақа тўлаш миқдори кўпайтирилганлиги, ишчи ва хизматчиларга қарилиги ва инвалидлиги учун бериладиган пенсиялар оширилганлиги таъкидланди. Меҳнатга яроқли пенсионерлар ва ёш болали аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этиши учун анча қулай шарт-шароитлар яратиб берилди. Шу билан бирга ушбу категориядаги аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида уларнинг пенсия таъминотини яхшилаш, кексайиб қолган граждалар ва инвалидларга социал хизмат кўрсатиш системасини ривожлантириш, болали оилаларга давлат ёрдами кўрсатишни кучайтириш юзасидан бир қатор қўшимча тадбирларни ўтказиш талаб этилади.

Шу муносабат билан 1985 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб колхоз аъзоларига ёшига қараб бериладиган пенсияларнинг минимал миқдорини ҳамда шунга мувофиқ равишда инвалидлик ва боқувчисиз қолганлик сабабли уларга бериладиган пенсиялар миқдорини ошириш зарур, деб топилди. Айни пайтда бундан ўн йилдан кўпроқ вақт илгари ишчилар ва хизматчиларга 60 сўм миқдорида белгиланган ҳамда уларнинг оилаларига тўланадиган пенсия миқдори оширилиб, бу пенсиялар миқдори ҳозирги вақтда айнан шундай касб ва малакадаги ходимларга белгиланадиган пенсиялар миқдорига яқинлаштирилади. Энг кам миқдорда пенсия олаётган ишчи, хизматчи ва колхозчи пенсионерлар учун врачлар рецепти бўйича сотиб олинадиган дориларнинг нархи эллик процент арзон қилиб белгиланади.

Кексалар ва инвалидлар учун интернат уйлар қурилишини жадаллаштириш, маҳаллий Советларга бўйсунувчи муассасаларнинг уларга хизмат кўрсатишини яхшилаш, корхоналар, ташкилотлар ва колхозларнинг меҳнат ветеранларига ёрдам бериши, касаба союзлари ва комсомолнинг ёлғиз кекса граждалар ва меҳнатга лаёқатсиз граждалларга оталиқ қилишини ривожлантириш, бу ишда социал таъминот, соғлиқни сақлаш органлари, жамоат ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш тадбирлари белгиланди.

Ўн иккинчи беш йилликда болали оилаларга давлат ёрдами беришни кенгайтириш, шу жумладан, болаларга 12 ёшгача нафақа тўлашни белгилаш, бемор болаларни парвариш қилиш учун бериладиган отпуска муддатини узайтириш, шунингдек, кам таъминланган оилаларга бериладиган бошқа баъзи имтиёзларни белгилаш юзасидан бир қанча тадбирлар кўзда тутилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область ва район партия комитетларига болали оилалар, ёлғиз кекса граждалар ва меҳнатга лаёқатсиз граждалларнинг талаб ва эҳтиёжларига диққат-эътиборни кучайтириб, уларга тегишли ёрдам берилиши ҳамда шу категориядаги аҳолининг моддий аҳволини янада яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш устидан доимий контроллик қилиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида иқтисодий ва социал сиёсатнинг бошқа баъзи масалалари, шунингдек, қардош социалистик мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантириш, уларнинг дўстлиги ва ҳамкорлигини чуқурлаштиришга доир масалалар кўриб чиқилиб, қарорлар қабул қилинди.

М. С. ГОРБАЧЕВ ЛЕНИНГРАДГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 15 май куни Москвадан Ленинградга жўнаб кетди.

Аэродромда М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Г. А. Алиев, В. И. Воротников, Е. К. Лигачев, Н. И. Рижков, Н. А. Тихонов, В. М. Чебриков, бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куни ўртоқ М. С. Горбачев Ленинградга келди.

«Пулково» аэропортида уни КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Л. Н. Зайков, область партия комитети бюросининг аъзолари, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг секретарлари кутиб олдилар.

Пионерлар М. С. Горбачевга гуллар тақдим этишди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми қарорлари ҳамда йўл-йўриқларини амалга ошириш юзасидан ташкилий-сиёсий ва пропаганда тадбирлари планини тасдиқлади. Партия, совет, хўжалик, жамоат ташкилотларига меҳнат коллективларини 1985 йил ва умуман беш йиллик топшириқлари ҳамда мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этиш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани янада авж олдириш юзасидан конкрет тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди.

Марказий Комитет Бюроси КПСС XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш юзасидан республика меҳнаткашларига мурожаат билан чиққан саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, қишлоқ хўжалиги ва маиший хизмат соҳалари илғорларининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Шу масала юзасидан қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда аҳолининг бўлғуртмалари билан уй-жойларни, боғдорчилик ширкатлари учун иморатларни, гаражлар ҳамда бошқа иморатларни ремонт қилиш ва қуриш соҳасидаги хизматларни ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўрганч шаҳар партия ташкилотининг КПСС Уставига, партия турмуши нормаларига риоя қилишда коммунистларнинг масъулиятини ошириш соҳасидаги иши ҳақидаги масала муҳокама этилди. Шаҳар партия комитети бюросининг эътибори бошланғич ташкилотларга раҳбарлик қилишда, ишлаб чиқаришни интенсивлашни жадаллаштириш учун кураш, партия ва меҳнат интизомини, уюшқоқликни мустаҳкамлаш, тартиб ўрнатиш учун курашда КПСС аъзоларининг авангардлик ролини таъминлашда жиддий камчиликлар ва нуқсонларга йўл қўйилаётганига жалб этилди.

Шаҳар партия комитетига, бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил март ва апрель Пленумлари қарорлари, КПСС XXVII съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездига тайёргарлик кўриш билан боғлиқ вазифалар асосида партиявий-ташкилий ва идеологик ишлар савиясини ошириш таклиф этилди. Ҳамма жойда ижтимоий бурчни, партия қарорларини, Устав талабларини бажаришда ҳар бир коммунистга нисбатан талабчанликни ошириш, партия йиғилишларида, партком ва партбюро мажлисларида КПСС аъзоларининг ҳисоб бериб туришини кенг йўлга қўйиш лозим.

Сурхондарё область Сариосиё район партия комитети бюросининг аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги иши ҳақидаги ҳисоботи тингланди. Идеологик фаолиятнинг бу муҳим соҳасига раҳбарликни бўшаштириб юборганлиги, ўтмиш сарқитларига қарши курашни кучайтириш бўйича ўз вақтида ва таъсирли чоралар кўрмаганлиги, диний маросимлар ҳақидаги қонунчиликни бузганлиги учун район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ А. Намозовга ҳамда халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Х. Курняевга жазо берилди.

Марказий Комитет Бюроси район партия комитетидан, бошланғич партия ташкилотларидан меҳнаткашларнинг илмий-материалистик дунёқарашини шакллантириш масалаларини ҳамиша диққат марказида тутишни, атеистик тарбиянинг идеология иши бошқа йўналишлари билан, районни ҳамда меҳнат коллективларини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг конкрет вазифалари билан таъсирчан ўзаро алоқасини таъминлашни талаб этди. Айниқса динга ишонувчиларга ғоявий таъсир ўтказишнинг форма ва методларини тубдан яхшилаш, атеистик пропагандаиинг ташкилотчи кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тадбирларини кўриш лозим. Диний маросимлар ҳақидаги совет қонунларини бузишга қарши кескин кураш олиб бориш, диний сарқитлар ва хурофотларни тугатишда коммунистлар ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси хўжаликка партия раҳбарлиги, партиявий-ташкилий ва идеология ишларининг бошқа масалаларини ҳам кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ШАҲАР КОМИТЕТИДА

МУСОБАҚА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Шаҳар районлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1985 йил биринчи квартал якунлари тўғрисида.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитети шаҳар районлари, саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналари ўртасидаги шаҳар социалистик мусобақасининг 1985 йил биринчи квартал якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи районлар ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби — **Сергели район**нига (район партия комитетининг секретари Г. Зарубин, район ижроия комитетининг раиси Х. Охунжонов, район комсомол комитетининг секретари М. Расулова) берилди. Район социалистик мажбуриятларнинг ўртиғи билан бажарилишини таъминлади, товар маҳсулоти, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришнинг юксак ўсиш суръатларига эришди.

Асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича квартал планларининг ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаган **Ленин, Октябрь, Акмал Икромов районлари** саноат корхоналарининг яхши ишлаганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, Тошкент область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг кўчма Қизил байроғи асосида ғолиб чиққан **Куйбишев районининг энг катта объектларидан бири**дир. «Тханглонг»нинг ишлатилаётган қуйи қаватидан қўш темир йўл ўтказилган.

Вьетнамлик қурувчилар ва совет мутахассисларининг шу воқеага бағишланган нўп минг кишилик митингида ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари До Мюй нутқ сўзлади. Кўприкнинг юқори қаватидан қатнов очилиши кўприк қурувчилар интернационал коллективининг меҳнатда эришган муҳим ютуғи бўлиб, ВСР халқ хўжалигини бундан буён ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга, деб таъкидлади у. «Тханглонг» Вьетнам—Совет ҳамкорлигининг, унинг ҳаётбахш кучининг яққол далили бўлиб хизмат қилади. Митинг қатнашчилари социалистик қурилиш ишида Вьетнамга бераётган катта ёрдам ва мададн учун КПССга, СССР ҳукумати ва халқига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

● ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида араб мамлакатларининг энергетика проблемаларига бағишланган 3-конференцияси ўз ишини тугатди. Конференцияда 18 араб мамлакатларининг делегациялари, шунингдек кўпдан-кўп халқаро ва регионал ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман қатнашчилари мавжуд энергия ресурсларини сақлаш, янги энергия манбаларини излаш, нефть-газ саноатини ривожлантириш, шунингдек бу соҳада араб мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ кўпдан-кўп масалаларни муҳокама қилдилар.

Конференцияда қабул қилинган якунловчи ахборотда араб мамлакатлари ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга ҳамда уларнинг ихтиёрида бўлган барча кишн ресурслари ва моддий ресурсларни АҚШ ва Исроилнинг агрессив кирдикорларига зарба бериш учун сафарбар этишга даъват қилинади. Анжуман резолюцияларида араб мамлакатларининг энергия ресурсларини, уларнинг иқтисодий тараққиёт хизматига қўйиш мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш зарурати ҳам таъкидланади.

● УЛАН-БАТОР. Монголия давлат университети студентлари ўн минг кишидан ошиб кетди. Шу ўқув юрти очилган йили (40 йилдан кўпроқ вақт илгари) унинг учта — педагогика, медицина ва ветеринария факультетларида атиги 93 студент таълим олар эди. Уша вақтдан буён университет мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган йирик илмий марказга айланди. Ҳозир бу ердаги 14 та факультетда Монголия ёшларигина эмас, шу билан бирга Совет Иттифоқидан ва бошқа мамлакатлардан келган йигит ва қизлар ҳам таълим олмоқда. Давлат университетининг студентлари ва ўқитувчилари республикадаги тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар, Совет Иттифоқидаги ва бошқа социалистик давлатлардаги олий ўқув юртлари билан ҳалиқ алоқа боғлаб турибдилар. (ТАСС).

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КИТОБЛАРИ ЎН КУНЛИГИ

«Дружба» китоб магазинида Чехословакия фашист босқинчиларидан озод этилганлигининг 40 йиллиги, қардош мамлакатнинг миллий байрами муносабати билан Чехословакия китоблари ўн кунлиги бошланди. Ўн кунлик тадбирларида китоб магазинлари, кутубхоналарда, чехословак халқининг миллий қаҳрамони Юлиус Фучикнинг Тошкентдаги музейида китоб кўргазмалари ташкил этилиши мўлжалланган.

Кейинги йилларда СССРда Чехословакия муаллифларининг 2681 китоб ва брошюралари 131,6 миллион нусхада нашр этилди. Қардош мамлакат адибларининг асарлари СССР халқларининг 42 тилида чоп этилди.

«Дружба» китоб магазинида ўтаётган маросимларда «Чехословакия адабиётлари янгиликлари» ҳақида суҳбат ўрин олган. Бунда дўстлигимиз, қардошлигимиз ҳақида атрофлича ҳикоя қилиб берилмоқда. Бундан ташқари ўн кунлик давомида у ерда Чехословакиядаги «Аартия» китоб нашриётининг болалар адабиёти кўргазмаси ҳам ташкил этилади.

Бундан ташқари Алишер Навоий номидаги ўзбек Давлат кутубхонасида ҳам «Чехословакия кеча, бугун, эртага» адабиётлар кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Д. МАЖИДХЎЖАЕВА.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Тошкентдаги электр машиналар асбоблари заводида такомиллашган модификациядаги беш хил янги қандилни оммавий ишлаб чиқаришга киришилди. Унда рангли шишалар ўрнини ишлатилган.

Тошкентдаги Фан уйида юрак-томир касалликларини даволашда замонавий медицинанинг илғор методларини тадбиқ этиш масаласига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Бугун кечки 11—13, эртага кундузи 29—31 даража иссиқ бўлади.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ХАНОЙ. Ханойдаги Қизил дарё орқали ўтган беш километрли «Тханглонг» кўпригининг юқори қаватидан автомобиль қатнови очилди. Вьетнамдагина эмас, шу билан бирга бутун Жанубн-шарқий Осиёда энг катта бўлган шу кўприкнинг номи «кўтарилаётган аждар» деб таржима қилинади. Икки қаватли бу кўприк Совет—Вьетнам ҳамкорлигининг энг катта объектларидан биридир. «Тханглонг»нинг ишлатилаётган қуйи қаватидан қўш темир йўл ўтказилган.

Вьетнамлик қурувчилар ва совет мутахассисларининг шу воқеага бағишланган нўп минг кишилик митингида ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари До Мюй нутқ сўзлади. Кўприкнинг юқори қаватидан қатнов очилиши кўприк қурувчилар интернационал коллективининг меҳнатда эришган муҳим ютуғи бўлиб, ВСР халқ хўжалигини бундан буён ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга, деб таъкидлади у. «Тханглонг» Вьетнам—Совет ҳамкорлигининг, унинг ҳаётбахш кучининг яққол далили бўлиб хизмат қилади. Митинг қатнашчилари социалистик қурилиш ишида Вьетнамга бераётган катта ёрдам ва мададн учун КПССга, СССР ҳукумати ва халқига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

● ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида араб мамлакатларининг энергетика проблемаларига бағишланган 3-конференцияси ўз ишини тугатди. Конференцияда 18 араб мамлакатларининг делегациялари, шунингдек кўпдан-кўп халқаро ва регионал ташкилотларнинг вакиллари қатнашди. Анжуман қатнашчилари мавжуд энергия ресурсларини сақлаш, янги энергия манбаларини излаш, нефть-газ саноатини ривожлантириш, шунингдек бу соҳада араб мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ кўпдан-кўп масалаларни муҳокама қилдилар.

Конференцияда қабул қилинган якунловчи ахборотда араб мамлакатлари ҳаракат бирлигини мустаҳкамлашга ҳамда уларнинг ихтиёрида бўлган барча кишн ресурслари ва моддий ресурсларни АҚШ ва Исроилнинг агрессив кирдикорларига зарба бериш учун сафарбар этишга даъват қилинади. Анжуман резолюцияларида араб мамлакатларининг энергия ресурсларини, уларнинг иқтисодий тараққиёт хизматига қўйиш мустақиллик ва суверенитетни мустаҳкамлаш зарурати ҳам таъкидланади.

● УЛАН-БАТОР. Монголия давлат университети студентлари ўн минг кишидан ошиб кетди. Шу ўқув юрти очилган йили (40 йилдан кўпроқ вақт илгари) унинг учта — педагогика, медицина ва ветеринария факультетларида атиги 93 студент таълим олар эди. Уша вақтдан буён университет мамлакат халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун юқори малакали кадрлар тайёрлайдиган йирик илмий марказга айланди. Ҳозир бу ердаги 14 та факультетда Монголия ёшларигина эмас, шу билан бирга Совет Иттифоқидан ва бошқа мамлакатлардан келган йигит ва қизлар ҳам таълим олмоқда. Давлат университетининг студентлари ва ўқитувчилари республикадаги тармоқ илмий-тадқиқот институтлари билан фаол ҳамкорлик қилмоқдалар, Совет Иттифоқидаги ва бошқа социалистик давлатлардаги олий ўқув юртлари билан ҳалиқ алоқа боғлаб турибдилар. (ТАСС).

БИЛДИРИШ

«Водоканал» трести маълум қиладики, ремонт-профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 17 май соат 9 дан 21 гача шаҳарга сув етказиб бериш камайтирилади, шунингдек, Куйбишев районн турар жой массивларида, Улугбек посёлкасида, «Марказ —1», «Марказ — 2» да, Циолковский кўчасида, атрофдаги кўчаларни қўшган ҳолда совуқ сув босими пасаяди.

Ягона сиёсий кунга

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Совет Иттифоқи халқлари май ойи бошларида 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини тантанали нишонладилар. Юбилей тантаналари авлодларнинг бузилмас алоқаларини яна бир бор бутун куч билан тасдиқлади.

Байрам арафасида — шу йилнинг 23 апрелида Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум партиянинг навбатдаги XXVII съездини чақириш, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг шу масала юзасидан докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий Комитет Пленуми навбатдаги съездни 1986 йил 25 февралда чақиришга қарор қилди. Бўлажак умумпартиявий анжуманнинг кун тартиби тасдиқланди.

ПАРТИЯ XXVII съезди муҳокамасига партиянинг совет халқи туб манфаатларига тааллуқли сиёсий, иқтисодий, ғоявий-назарий ва ташкилотчилик фаолиятидан иборат энг муҳим масалалар қўйилмоқда. Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи ва партиянинг вазифаларини КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг Ҳисоботини муҳокама қиладилар, партиянинг янги таҳрирдаги Программасини қабул қиладилар. КПСС Уставига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал қиладилар. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари съезд муҳокамасига қўйилади. Партия марказий органларига сайловлар ўтказилади.

КПССнинг бўлажак XXVII съезди мамлакатни ривожлантиришда босқич давр бўлади. Унинг аҳамияти муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг биринчи даражали аҳамияти, давримизнинг характери, жамият олдида келиб чиқаётган вазифаларнинг янгилиги ва кенг кўламлилиги билан белгиланади.

Марказий Комитет Пленуми партия XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг шундан кейинги Пленумлари томонидан ишлаб чиқилган стратегик йўлнинг давомийлигини тасдиқлади.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган докладида мамлакатимиз эришган ютуқлар кўрсатилди, камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланди, уларни бартараф этиш йўллари ва воситалари белгилаб берилди, истиқболга мўлжалланган вазифалар қўйилди. Эндиликда Совет Иттифоқи қудратли, ривожланган экономикага, малакали кадрларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш, фан ва техниканинг кўпгина тармоқларида жаҳонда етакчи ўринни эгаллаб турибди. Жамиятимиз гражданлари ўзларининг социал ютуқлари — гарантияланган меҳнат ҳуқуқи ва унинг эвазига рағбатлантирилиш, инсоннинг туғилишдан бошлаб кексайгунга қадар давлатнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлиш, шахснинг қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларини бошқаришда меҳнаткашларнинг кенг қатнашуви билан ҳақли равишда фахрланадилар. Тарихда биринчи марта меҳнат кишиси ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммаси сиёсий барқарорлик, социал оптимизм ва келажакка ишончнинг энг муҳим манбаидир.

Бутун мамлакат билан бирга, Совет Ўзбекистонининг ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари ва халқ зиёлилари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллиги, 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва социалистик ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ижобий силжишларга эришдилар. Саноат, қурилиш, транспорт ходимлари, колхоз ва совхоз далалари меҳнаткашлари куч-ғайратларини оширмоқдалар. Пахтакорлар пахта сифатини ошириш учун курашмоқдалар. 1984 йил ҳосилидан пахта толаси чиқишини жиддий оширишга эришдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва шундан кейинги пленумларининг давлат, план ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, республикамиз ҳаётидаги кўпгина салбий ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қабул қилган қарорлар реал самаралар бермоқда. Лекин ҳаёт бир жойда турмайди. У бундан кейин ҳам ўзгаришлар ва қайта ўзгаришлар бўлиши, жамиятнинг янги сифат ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этади. Пленумда, аввало, экономикадаги сифат силжишлари, уни интенсив ўстириш йўлига кўчириш, самарадорликни бутун чоралар билан ошириш ҳақида гап борди.

ИШЛАРИМИЗНИНГ асосий йўналишлари Марказий Комитет Пленумидаги докладда батафсил белгилаб берилди. Бу йўналишлар: ишлаб чиқаришни илмий-техникавий янгилаш; меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги юксак даражасига эришиш; ижтимоий муносабатларни ва биринчи навбатда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш; совет кишиларининг меҳнат, моддий ва маънавий турмуш шароитлари соҳасидаги социал ўзгаришлар; сиёсий ва ижтимоий институтлар бутун системасини активлаштириш; социалистик демократияни, халқнинг ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштиришдан иборатдир.

Ҳар бир совет кишиси, ҳар бир коммунист шу мураккаб вазифалар даражасида бўлиши, уларни амалга ошириш учун шахсан масъулиятли эканлигини чуқур тушуниб етиши керак. Мамлакатнинг тарихий тақдири, ҳозирги дунёда социализм позициялари ишларимизнинг бундан кейин қандай боришига боғлиқ. «Ҳозир мамлакат иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қандай қилиб ва нималар ҳисобига эришa олади, деган масала асосий масала бўлиб турибди,— дейилади КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Пленумдаги докладида. — Биз Сиёсий бюрода шу масалани кўриб чиқа туриб, бунинг учун реал имкониятлар мавжуд, деган якдил хулосага келдик».

Ўсиш суръатларини, ўсганда ҳам талай даражада ўсиш суръатларини жадаллаштириш вазифасини бемалол бажарса бўлади, бунинг учун фақат экономикани интенсивлаш ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни бутун ишимизнинг марказига қўйиш, бошқарув ва планлаштиришни, структура ва инвестиция сиёсатини қайта қуриш, ҳамма жойда уюшқоқлик ва интизомни кучайтириш, фаолият услубини тубдан яхшилаш зарур.

Ташкилий-иқтисодий ҳамда социал резервларни ишга тушириш ва биринчи навбатда одамларни активлаштириш керак. Агар ҳар бир киши ўз ўрнида виждонан ишласа, уюшқоқлик ва интизомни оширса, нисбатан тез самара олиш мумкин. Шу мақсадларда шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш, талон-торож, исрофгарчиликларга қарши кескин курашиш, қувватларни планда белгиланган муддатларда ишга тушириш ва янги ишлаб чиқариш фондларини ўзлаштириш зарур. Ҳар бир корхонада ва қурилишда, колхоз ва совхозда, ҳар бир ташкилотда лозим даражада тартиб ўрнатилмаса оқилона хўжалик юритиш, экономикани самарали ўстириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир киши ўз иши билан шуғулланиши, ўзининг тўғридан-тўғри бурчларини виждонан бажариши лозим. Ўртоқ М. С. Горбачев қайд қилганидек, партия ходими хўжалик ходими, инженер — курьер ишини бажарадиган бўлса, олим сабзавотчилик базасида, тўқимачи аёл фермада ишлайдиган бўлса, ҳар қандай фаолият соҳасида жиддий натижаларга эришиб бўлмайди.

Пленум шуни кўрсатдики, партия фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш халқ хўжалигини интенсивлаштиришнинг асосий дастуридир, деб билади. Фан-техника тараққиёти кўпгина тармоқларда ҳозирча бўш, аслида эволюцион тарзда, асосан мавжуд технологияларни такомиллаштириш, машиналар ва ускуналарни қисман модернизациялаш ҳисобига юз бермоқда. Бу чоралар муайян самара бераётган бўлса ҳам, лекин улар жуда оз. Бизнинг республикамизда ўтган йили 75 министрлик ва 44 идора фан ва техникани ривожлантириш топшириқларининг бажарилишини таъминлай олмади. Амалда халқ хўжалиги барча тармоқларини қайта қуроллантиришга олиб борадиган революцион силжишлар керак. Бу йил Ўзбекистонда янги техника ва технология бўйича 55 та илмий ечимни, 458 тадбирни ишлаб чиқаришга жорий этиш планлаштирилмоқда. 190 та цех ва участкани комплекс механизациялаштириш, 157 та механизациялашган ва автоматлаштирилган линия ўрнатиш, 135 бирликдаги робот техникасини ўрнатиш, қуёш энергиясини ва чиқитсиз технологияни қўлланишни кенгайтириш кўзда тутилган. 1984 йилда республика пойтахтида 28 цех ва участка комплекс механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди, 108 та механизациялашган поток, комплекс-механизациялашган, ярим автоматлаштирилган ва комплекс автоматлаштирилган линия, 1115 та жиҳоз, агрегат ва установка, 365 та янги технология жараёни жорий этилди.

Бу йил ишлаб чиқаришда илмий-техника тараққиётини тезлаштириш бўйича 1619 тадбирни жорий этиш режалаштириляпти, булар ҳисобига маҳсулот таннархи салкам 13 миллион сўмликка пасаяди.

Худди шу даврда шаҳарда 63 робот-техника бирлиги, ҳисобли-программавий бошқариладиган 81 дастгоҳ жорий этилади. Жами 817 турдаги янги маҳсулот, шу жумладан, 46 бирликдаги жиҳозлар, машиналар, аппаратлар ва приборлар ўзлаштирилади. Булардан 14 таси мамлакатимизда биринчи марта ўзлаштирилади. Маҳсулот янги турларининг умумий миқдоридан 547 таси — маданий-маиший ва хўжалик буюмлари, шунингдек кийим-кечак, пойафзал, газлама, трикотаж буюмларидир.

Маҳсулот сифатини бутун чоралар билан ошириш партия иқтисодий сиёсатининг диққат марказида бўлмоғи лозим. «Сифат ва яна бир бор сифат—бугунги шиоримиз ана шундай!»— деб таъкидланди Пленумда. Мамлакатнинг замонавий техникага бўлган талабларини, аҳолининг турли хил товарларга тобора ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш, камёбликни бартараф этишнинг ягона ишончли йўли худди шундадир. Республикада 1985 йилда 80 дан кўп буюмни юқори сифатли категорияда аттестациялаш, ўн биринчи беш йилликнинг охирига бориб эса уларнинг сонини 600 дан ошириш мўлжалланган. Аттестациялашга мўлжалланган умумий ҳажмда Сифат белгиси қўйилган маҳсулот 22,8 процентни ташкил этиши керак.

Тошкентда ўтган йили сифатнинг олий категориясидаги маҳсулотнинг шаҳар бўйича аттестациядан ўтказилувчи маҳсулот ҳажмидаги салмоғи 37,6 процентни, маҳсулотнинг умумий ҳажмидаги салмоғи 21 процентни ташкил этди. Келгусида янада юқори марраларга эришиш кўзда тутилган.

Экономиканинг ўсиб бораётган миқёслари бошқарувнинг бутун комплекси бўйича кечиктириб бўлмайдиган сифат жиҳатидан янги чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилмоқда. Ўртоқ М. С. Горбачевнинг яқинда КПСС Марказий Комитетида ишчилар ва хўжалик раҳбарлари билан учрашувида, Москва шаҳар корхоналарида бўлганида, апрель Пленумининг ўзида ана шу ҳақда жиддий, батафсил суҳбатлар бўлди.

Стратегик вазифаларни ҳал қилишда марказлашган асосларни бундан буён ҳам ривожлантира бориб, корхоналарнинг ҳуқуқларини, уларнинг мустақиллигини кенгайтириш йўлидан янада дадилроқ ҳаракат қилиш, хўжалик ҳисобини жорий этиш ва шу асосда меҳнат коллективларининг ишнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ва масъулиятини ошириш лозим.

Ҳозирги вақтда корхоналар ишини янгича ташкил этиш борасида экспериментлар ўтказилмоқда. Бизнинг республикамизда ҳам ўтган йили еттита ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхонаси кенг миқёсли эксперимент шароитида ишлади. Улар фаолиятининг дастлабки якунлари умуман олганда ижобий. Шартнома интизоми сезиларли равишда мустаҳкамланди. «Подъёмник» бирлашмаси ва Чирчиқ трансформатор заводи маҳсулот реализация қилиш йиллик планини маҳсулот етказишни ҳисобга олган ҳолда бажардилар. Барча бирлашмалар ва корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари кўтарилди, уларнинг кўпчилигида олинадиган фойда кўпайди, бошқа кўрсаткичлар яхшиланди. Бу ҳол уларга иқтисодий рағбатлантириш фондларини анча тўлдириш имконини берди.

Бироқ иқтисодий эксперимент шароитига ўтказилган бирлашмалар ва корхоналар ҳамма топшириқларни ҳам бажара олганлари йўқ, танг жойлар, камчиликлар ҳамма жойда ҳам бартараф этилган эмас. Баъзи корхоналар шартнома мажбуриятлари бўйича маҳсулотларни кам бердилар. Капитал қурилиш яхши олиб борилмади.

Ўтган йилги эксперимент давомида эришилган якунлар анча сабоқ бўлларлидир. Бу эса катта эътибор беришни ва ўрганишни талаб қилади. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, 1985 йилнинг январидан бошлаб республиканинг яна 18 бирлашма ва корхонаси, шу жумладан шаҳарнинг 10 корхонаси янги шароитда ишлай бошлади.

КПСС XXVII съездига тайёргарлик жараёнида социал сиёсат масалалари муҳим ўрин тутади. Совет кишиларининг турмуши йил сайин яхшиланиб бормоқда. Уларнинг меҳнат даромади ошмоқда. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш кўпаймоқда. Уй-жой шароити, медицина ва маиший хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. Ҳозирги вақтда ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзларнинг ўзигина ишчи ва хизматчиларнинг ойлик иш ҳақига қўшимча 75 сўмни ташкил этмоқда.

Бизда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва бошқа ветеранларга алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда. Совет давлати уларнинг талабларини тўлароқ қондириш учун доимо имкониятларни қидириб топмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети томонидан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилашга қаратилган ва яқинда қабул қилинган қарори бунинг ёрқин далилидир. Белгиланган бу тадбирларни амалга оширишга давлат ҳар йили ярим миллионга яқин, шу жумладан Ўзбекистонда 6,9 миллион сўм сарфлайди.

Уй-жой қурилиши программаси муваффақиятли бажарилмоқда. Ўзбекистонда ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили ичида 23,7 миллион квадрат метр уй-жой, 555,2 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 163 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасалари, 18,7 минг ўринли касалхоналар ва бошқа социал-маиший объектлар ишга туширилди.

Чунончи Тошкентда ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида умумий майдони 3,5 миллион квадрат метр бўлган уй-жой, 42,3 минг ўринли умумий таълим мактаблари, 11,7 минг ўринли мактабгача болалар муассасалари, 2 минг ўринли касалхоналар ва бошқа маданий-маиший объектлар фойдаланишга топширилди.

Саноат товарларига ва маиший хизматга эҳтиёжни қондириш, шу товарларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Республикада чакана товар обороти ҳажми 22,5 процент ва маиший хизмат кўрсатиш 37,0 процент кўпайди. Аҳоли жон бошига реал даромадлар 6 процент ошди. Озиқ-овқат программаси амалга оширилаётганлиги сезиларли натижалар бермоқда. Аср охирига бориб, аҳоли жон бошига озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишни рационал медицина нормаларига етказиш учун маҳсулотлар етиштиришни кескин кўпайтириш назарда тутилмоқда. Маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Лекин шунга қарамай, хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятида кўпгина проблемалар ва масалалар тўла-тўкис ҳал қилинган эмас. Замонавий юқори сифатли товарларнинг камёблиги ҳамон сезилиб турибди. Савдо, умумий овқатланиш, уй-жой-коммунал хўжалиги, транспорт ишини ташкил этишдаги, маданий оқартув ва медицина муассасалари фаолиятидаги камчиликлар тугатилган эмас. Уларнинг ҳаммаси меҳнаткашлар фаровонлиги, қулайлигигагина эмас, балки уларнинг кайфиятига, ижтимоий активлигига, меҳнат натижаларига ҳам таъсир кўрсатмоқда. «Инсонга, унинг меҳнати, моддий фаровонлиги ва дам олишига тааллуқли барча масалаларда,— деб таъкидланди КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг Пленумдаги докладида, — биз ниҳоятда эътиборли бўлишимиз керак. Бу биз учун сиёсатнинг энг муҳим масаласидир».

Шу кунларимизнинг асосий вазифаси — мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш сиёсий-тарбиявий, идеология иши билан эришишдан иборатдир. Ленинча тушуниладиган онглилик — бу коммунистик ноявийлик, юксак уюшқоқлик ва интизом, ривожланган гражданлик бурчи туйғуси, меҳнат ва сиёсий активликнинг мустаҳкам ўзагидир.

Миллион-миллион совет кишилари Ватанни гуллаб-яшнатишга ўзларининг бутун куч-ғайратлари ва қобилиятларини бағишламоқдалар. 50 йил тўлишини бутун мамлакат яқинда нишонлайдиган стахановчилик ҳаракатининг бутун тарихи, беш йилликлар зарбдорларининг ажойиб ишлари, умумхалқ социалистик мусобақаси, шу кунларимизда юзага келаётган кўпдан кўп ташаббуслар бунинг ёрқин далилидир. Ўзбекистонда зўр кўтаринкилик билан ўтган ленинча Коммунистик шанбаликда ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган шанбаликда миллионлаб киши, шу жумладан республика пойтахтида 1 миллион 274 минг киши қатнашди.

Идеология ишларининг аҳволини пухта таҳлил қилиш ҳамда КПСС Марказий Комитетининг (1983 йил) июнь Пленуми қарорларига оғишмай амал қилиш керак. Идеология ишида сўз ва иш бирлиги муҳимдир. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари—телевидение, радио, матбуот партиянинг қудратли идеология қуролидир. Ҳозир республикада кўп тилда 286 та газета ва 86 та журнал чиқмоқда, уларнинг бир йиллик тиражи 1,0 миллиард нусхани ташкил этади. Шу жумладан, ўзбек тилида нашр этилаётганлари 800 миллион нусхага яқиндир. 10 нашриёт ҳар йили 2400 дан кўп номда китоб чиқармоқда .Уларнинг тиражи 45 миллион нусхадан кўпдир. Кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашда бу воситаларнинг роли жуда каттадир. Лекин ҳамма гап улардан тўла-тўкис фойдаланишда.

Эришган ютуқларимизнинг ҳаммаси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси раҳбарлиги билан маҳкам боғлиқ. КПСС ўз сиёсатини халқ билан бирлиги оғишмай мустаҳкамланиб борадиган, бу сиёсатни омма чуқур тушуниб етадиган ва ҳар доим қўллаб-қувватлайдиган тарзда олиб бормоқда. Партия ўз фаолиятида шунга амал қилмоқдаки, ҳозирги шароитда энг муҳим нарса—ташкилотчилик ва идеология иши савиясини оширишдан, унинг самарадорлигини кўтаришдан, партия комитетларини сиёсий раҳбарликнинг чинакам органларига айлантиришдан иборатдир. КПСС XXVII съездига тайёргарлик, бўлажак ҳисобот ва сайловлар ҳам коммунистларнинг активлиги ва масъулиятини оширишга, партия ташкилотларининг жанговарлигини кучайтиришга ёрдам беради.

Ҳисобот-сайлов кампанияси бошланғич партия ташкилотларидан бошланади.

Бундай ташкилотлар Ўзбекистонда 20,7 мингдан, шу жумладан Тошкентда икки мингдан кўпдир. Партиянинг асосини ташкил этувчи бу ташкилотларда партия сиёсати реал ишларга айланмоқда, партия қарорлари омма орасида практика тилига кўчмоқда. Пленум коммунистлардан нима ишлар қилинганлигини йиғилишларда чуқур таҳлил қилишни талаб этди. Съездолди кўрикларида мақтанчоқлик ва хушомадгўйлик ҳолларига, ишнинг моҳиятини умумий сўзлар билан пардалашга ўрин бўлмаслиги лозим. Тўпланган ижобий тажрибани битталаб йиғиш, камчилик ва хатоларни аямасдан очиб ташлаш, ишлаб чиқаришни ўстириш, ишларни яхшилашнинг конкрет йўлларини очиб бериш керак.

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети республика партия комитетларини ҳисобот-сайлов кампанияси ишчанлик билан, танқид ва ўз-ўзини танқид, большевистик ростгўйлик вазиятида ўтиши тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишга йўналтирмоқда. Шуниси муҳимки, ҳар бир коммунист ўзининг Уставда кўрсатилган таклифлар киритиш, ўз мулоҳазаларини билдириш ҳуқуқидан тўла-тўкис фойдалансин, бирор бир танқидий мулоҳаза четлаб ўтилмасин. Съездолди коллектив маслаҳат энг юқори конструктив ва танқидий савияда ўтсин. Бизнинг партиямиз ўз орасидан етук, баобрў кадрларнинг катта армиясини тарбиялаб етиштирди ва раҳбарликка кўтарди. Улар билан олиб борилаётган ишда ҳар қачонгидек ленинча принциплар асос бўлиб, унга қатъий амал қилинмоғи лозим. Бу принциплар бузилган, ходимларни шахсий садоқатга, хушомадгўйликка, ошна-оғайнигарчиликка қараб кўтаришга йўл қўйилган жойларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қайд қилинганидек, муқаррар равишда танқид ва ўз-ўзини танқид бўғилади, омма билан алоқа сусаяди ва натижада иш барбод бўлади.

Партия раҳбарликнинг барқарор бўлишини таъминлаш, тажрибали ва ёш ходимларни тўғри уйғунлаштириш, партия органларини янги кучлар билан тўлдириб боришдан иборат принципиал йўлни ўтказмоқда. Партия айни вақтда, кадрлар ҳаракатидаги турғунликка қарши чиқмоқда, бирор бир партия ташкилоти, бирор бир ходим контролсиз қолдирилмасин, деб ҳисоблайди. Ишга даҳлдорлик, янгиликни дарҳол сеза билиш, ташаббускорлик, масъулиятни ўз зиммасига ола билиш ва шунга тайёр туриш, вазифа қўя билиш ва уни ҳал қилишни охиригача етказиш каби ишчанлик фазилатларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Шу билан бирга ишлай билиш хоҳиши ҳам жуда зарур. Бўлажак ҳисобот ва сайловларнинг муҳим вазифаси Советлар, касаба союзлари, комсомол, сиёсий системанинг бошқа бўғинларига, совет демократиясини ривожлантириш борасидаги ҳамма ишларга партия раҳбарлигини кучайтиришдан иборатдир.

Ўн иккинчи беш йилликнинг муваффақиятли одими кўп жиҳатдан ҳозирги беш йиллик, шу йил қандай якунланишига боғлиқдир. Шу йилнинг бошланиши осон бўлмаганлиги ҳаммамизга маълум. Бугунги кунда партия қолган ойлар ичида улгурмаган ишларни бажариб улгуриш, 1985 йил планини ҳеч қандай тузатиш киритмасдан бажариш талабини қўймоқда. Ҳозирги вақтда социалистик мусобақа, бутун ташкилотчилик иши шунга қаратиляпти.

КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг кенг миқёсли вазифаларини илгари сурди. Бу вазифаларни муваффақиятли бажариш тинчлик ва тинч-тотув яшаш ленинча йўлини қатъий ва изчил ўтказиш билан маҳкам боғлиқдир. Совет Иттифоқи амал қилаётган мақсадлар аниқ ва конкрет. Бу—ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш, ядро қуроллари пойгасини тўхтатиш, космосда ядро қуролларининг бўлишига йўл қўймасликдир. Бу таклифларни турмушга татбиқ этиш планетада умумий вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берган, Женева музокараларида ўзаро мақбул битимга келишни яқинлаштирган бўлур эди.

Социалистик мамлакатларнинг халқаро сиёсати тинчлик тўғрисида доимий ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир. Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлмиш давлатларнинг олий партия ва давлат арбоблари учрашувида СССРнинг тинчлик йўлидаги йирик ташаббуслари яна бир бор тасдиқланди. Ўртоқ М. С. Горбачев Варшавада сўзлаган нутқида бундай деди: «Бугун биз Европадаги ва барча қитъалардаги ҳамма давлатларга мурожаат қилиб, келишмовчиликлардан устун туришга, бутун инсониятга таҳдид қилаётган янги хавфга, ядро қуролидан қирилиб кетиш хавфига қарши курашда иттифоқчи бўлишга чақирамиз». Варшава Шартномаси муддатини узайтириш — социалистик ҳамдўстликнинг ер юзида тинчликни ҳимоя қилишга қўшадиган ҳиссаси янада кўп самарали бўлишининг кафолатидир.

Қудратли ва жипслашган, ўз сафларининг бирлиги билан кучли ва ҳар доим халқ томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётган Коммунистик партия ўзининг XXVII съездини муносиб кутиб олмоқда. Бу шонли воқеани яқинлаштираётган ҳар бир кун зарбдор меҳнат билан, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик руҳи билан суғорилмоқда.

ЖАХОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЭЛЕКТРОНИКА КОНТРОЛЬ ҚИЛАДИ

БЕРЛИН. Эндиликда ГДРдаги дарёлар ва сув ҳавзаларининг тозалигини электроника контроль қилмоқда. Республика олимлари ишлаб чиққан мамлакат сув хўжалиги ҳолати тўғрисида маълумот йиғиш ва уни ишлаб чиқишга мўлжалланган «Акватранс» ўлчов системаси ишга туширилди.

Янги система, деди тадқиқотчилар коллективининг раҳбари Г. Мюллер, тўла автоматлаштирилган. Махсус датчиклар олдиндан белгилаб қўйилган программага мувофиқ, сувдан намуна олади ва уни анализ қилади. Приборларнинг кўрсатмалари марказий, станцияда анализ қилинади. Бундан ташқари автомат контролёрлар дарёларда сувнинг сатҳини кузатиб туриш имконини беради.



ОБЪЕКТИВДА — ФЛОРЕНЦИЯ

Флоренция — Италиянинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади. Шаҳарда кўплаб кўркам бинолар мавжуддир. Шу боисдан ҳам кейинги йилларда шаҳар билан танишиш истагини билдирган кўплаб чет эллик меҳмонлар бу ерга тез-тез ташриф буюриб туришади. Туристларнинг кўнгилли дам олишлари учун шаҳарда барча қулайликлар яратилган.

СУРАТДА: шаҳар кўчаларидан бирида.

Тошкент— Патиала: БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

▲ Совет ва чет эл шаҳарлари ўртасидаги алоқалар уюшмаси СССРдаги 140 шаҳар ҳамда жаҳоннинг барча мамлакатларидаги 325 та биродарлашган шаҳарни бирлаштиради.

Ҳиндистоннинг биринчи космонавти Ракеш Шарма Патиалада туғилган. Биз ана шу шаҳар ва Панжоб штати ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчимиз.

«Беш дарё мамлакати» — Панжоб ҳақида кўплаб афсоналар тўқилган. У ҳамиша босқинчилар диққатини ўзига тортиб келарди. Бировлар бу ерга талаш учун, бошқалар ҳукмронлик қилиш учун бостириб келарди.

Ҳозирги Панжобнинг қиёфасида умрини яшаб бўлган ўтмиш ҳаёти билан ҳозирги хўжалик тараққиёти уйғунлашиб кетган. Сокин ва мудроқ қишлоқлар, ҳўкиз қўшилган аравалар, жимжимадор кийимдаги қишлоқ аҳолиси, прицепли тракторда яқин орадаги шаҳарчага кетаётган кишилар кўзга ташланади. Баҳайбат қалъа бинолари, бой қурол-яроғ коллекциясига эга бўлган жим-жит фортлар, гўзаллик ва буюкликда бир-бири билан рақобат қилувчи ажойиб саройлар ва парклар ҳамда замонавий архитектура — бугунги Патиаланинг қиёфаси ана шундай.

Патиала деган шаҳар бор экан, унга асос солган киши ҳам бўлиши табиий. «Пати» — майдон маъносини билдиради. «Ала» эса унга асос солган кишининг номидир. Тарих бизни XVIII асрнинг 50-йилларига етаклайди. Баба Ала Сингх ўшанда шаҳарга асос солган эди. Ала Сингх Патиала фортини қуриб, уни Кила Муборак деб атади. Форт қурилишини унинг ворислари давом эттиришди.

Патиала дастлаб Ала Сингх ўзига бўйсундирган бир неча қишлоқнинг маъмурий маркази сифатида бунёдга келган эди. Шаҳар ўсди, кенгайди ва мустаҳкамланиб борди. Кейинчалик Патиала князликнинг пойтахти бўлиб қолди. Патиала Ҳиндистондаги 600 князликлардан бири сифатида 1947 йилгача Англия ҳукмронлиги остида эди. Ҳиндистон мустақилликка эришганидан сўнг князликларга барҳам берилди. Патиала ва Ҳиндистоннинг бошқа князликлари ягона маъмурий бирлик — Патиала ва Шарқий Панжоб штатлари иттифоқига бирлаштирилди. Кейин эса Патиала Панжобдаги вилоятлардан бирининг маркази бўлиб қолди. Патиала ҳукмдорларининг собиқ қароргоҳи шаҳардаги энг ажойиб маъморлик ёдгорликларидан биридир. Сарой 1847 йилда қурилган. У террасалар, парклар, фавворалар билан қуршаб олинган. Сарой деворлари ҳинд афсоналаридан турли-туман саҳналарни акс эттирувчи ноёб тасвирлар билан безатилган...

Панжоб штатининг музейи —Бародари саройида медалларнинг ноёб коллекцияси тўпланган. Бу ерда қарийб барча мамлакатлардан келтирилган медалларнинг нусхалари сақланади. Юз акрдан кўпроқ майдонни эгаллаб турган Бародари боғи туристлар эътиборини ўзига жалб қилади. Бу боғда ўсувчи дарахтларнинг кўпчилиги баланд жойлардан келтирилган ва иқлимлаштирилган.

Лекин Патиала фақат тарихий музейгина эмас, бу ерда замонавий қурилишлар ҳам олиб борилмоқда.

Патиаладаги миллий спорт институти Ҳиндистоннинг асосий спорт маркази ҳисобланади. У бир қатор ривожланаётган мамлакатлар учун тренерлар тайёрлайди. Таниқли совет спортчилари бу ерда ўқитувчи бўлиб, кўпгина спортчиларга таълим беришган.

— Тошкент шаҳри билан дўстона алоқалар, — дейди Ҳиндистон — Совет маданий алоқалар жамияти Патиала бўлимининг бош секретари Винод Тандон, — 1964 йилда ўрнатилган эди. Ўша йили Ҳиндистоннинг ҳозирги Президенти Гиани Заил Сингх шу жамиятнинг раиси сифатида Тошкентда Ҳиндистон кўргазмасини очиб, Панжобнинг ҳаёти ва маданияти ҳақида ўзбекистонликларга гапириб берган эди. Кейинчалик Тошкент шаҳрининг мэри Патиалага ташриф буюрди. Икки шаҳар, — давом этади Тандон, — калитлар ва байроқлар айирбошлашди. Патиалада Тошкент номидаги, Ўзбекистон пойтахтида эса Ж. Нерунинг таниқли издоши Лаъл Баҳодир Шастри номидаги кўча бор. Ўшандан буён биз мунтазам бир-биримизга делегациялар юбориб турамиз. Кўргазмалар ташкил этамиз. Фильмлар намойиш қиламиз. Шаҳримиз аҳолиси Тошкентнинг 2000 йиллигини кенг нишонлади. Патиалада митинг, Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар билан учрашувлар ўтказилди. Китоблар, расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Ўзбек халқининг ҳаёти ҳақида, унинг фан ва техника, маданият ва санъат соҳасида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар намойиш қилинди.

Ўзбекистон билан Панжоб ўртасидаги дўстона алоқалар Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги яхши муносабатларни мустаҳкамлашга, тинчлик ишига хизмат қилмоқда.

Олег АРТЕМЬЕВ, (АПН).

Деҳли.

Ҳалокатли кўча

Қоҳира яқинидаги Маади шаҳри бўйлаб ўтган кўча энг ҳалокатли ҳисобланади. Бу ерда тез-тез йўл тасодифлари бўлиб туради. Бир йил давомида 350 марта йирик автомобиль ҳалокатлари рўй берган. Ҳалокат туфайли 27 киши ҳалок бўлиб, 211 киши касалхонага ётқизилди. Бундай кўча тасодифларининг тез-тез содир бўлишига ҳайдовчиларнинг ўзлари сабабчи экан. Чунки Қоҳира кўчаларидаги автомобиль йўлларида транспорт кўплиги туфайли вақтни йўқотган ҳайдовчилар шаҳар чеккасига чиқиши билан тезликка муккасидан кетишади. Албатта хавфсизлик чоралари кўрилмаган жойда тез-тез кўча тасодифлари содир бўлиши турган гап.

Йўли топилди

Японидаги Татэяма шаҳрида истиқомат қилувчи бир корчалон ўз ҳовлисини Будданинг ётган ҳолдаги ҳайкали билан бойитмоқчи бўлди. Шу билан бирга буюртмачи ҳайкал дунёда энг катта бўлиши ва 16 метрдан кам бўлмаслигини талаб қилди. Бу ишни «Ивасава бонсёкай» фирмаси бажаришга киришди. Буюртма бажарилгач, шу нарса аниқ бўлдики, улкан ҳайкал цех дарвозасидан чиқмай қолди. Аммо буюртмачи кўп пул тўлагани учун кампания цех деворларини бузиб, ҳайкални ташқарига олиб чиқди. Будданн манзилга етказиш учун учта 35 тонналн юк машинаси керак бўлди.

Вақтни ғанимат билиб

Яқинда Франция темир йўлларидан фойдаланувчилар яна бир қулайликдан баҳраманд бўлишди. Темир йўл кампанияси йўловчиларга поезд қатнови даврида чет тилини ўргатишни таклиф қилди. Билетга қўшимча равишда тўланган маълум миқдордаги сумма ҳисобига 5—6 йўловчидан иборат бўлган группа билан машғулот ўтказилади. Малакали мутахассислар махсус лингафон билан жиҳозланган купеларда истаган чет тилини пассажирларга ўргатиши мумкин.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

АЛЛЕРГОЛОГИК ХИЗМАТ МУСТАҲКАМЛАНЯПТИ

Кеча Ўзбекистон аллергологлари ва практик врачларнинг республика илмий-амалий семинар-кенгаши ўз ишини бошлади. Биз республика бош аллергологи, медицина фанлари кандидати О. А. НАЗАРОВдан унинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Маълумки, ҳозирги вақтда аллергия касалликларига қарши кураш масалалари практик соғлиқни сақлашнинг актуал проблемаларидан бири бўлиб қолди.

Бизнинг республикамизда ўн биринчи беш йилликнинг ўтган йилларида аҳолига ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишнинг аҳволи яхшиланди. Аллергологик муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Аллергия касалликларининг олдини олиш, диагностика ва даволашнинг замонавий методлари ишлаб чиқиляпти ва жорий этиляпти.

Область шаҳарларида ҳозир 31 та аллергологик кабинет ишлаб турибди. Уларда 62 врач-аллерголог иш олиб бормоқда. Умуман, республикада аллергологик кабинетлар кўпайди. 1977 йилга нисбатан салкам уч марта кўпайди. Аллергологик ўринлар сони 6 марта, врач-аллергологлар сони эса 3,5 марта ошди.

— Аллергология маркази қандай ишлар олиб бормоқда?

— Республика аллергология маркази асосий даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланади. У аллергия касалликларини олдини олиш, диагностика ва даволашнинг замонавий методларини ишлаб чиқиляпти. Мазкур семинар-кенгашнинг мақсади фақат эришилган ютуқлар билан таништиришгина эмас, балки асосий эътиборни аллергия касалликлари билан оғриган беморларга ёрдам кўрсатишни яхшилаш тадбирларини белгилаш, клиник аллергология борасида практик врачларнинг билимини кенгайтириш, аллергологик кабинетлар ҳали ташкил этилмаган областларда уларни ташкил этишдан иборатдир. Масалан, Навоий ва Сирдарё областларида шундай кабинетлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, профессионал аллергия практикаси ҳам актуал аҳамият касб этмоқда. Область аллергологларининг тор касбдаги врачлар билан алоқасининг мустаҳкамланиши айниқса диққатга сазовордир.

Аллергология хизматини ривожлантиришда республика соғлиқни сақлаш хизмати бўлимларининг доимий эътибор беришини талаб этадиган кўпгина муаммолар борки, ҳали аллергия қонуниятларининг ўрганилмаган томонларини очиш лозим.

АКС САДО

Мунозарани газетхонлар давом эттиришади

«ОҚ ХАЛАТГА ДОҒ ТУШМАСИН»

«Тошкент оқшоми» газетасининг шу йил 25 апрель сонида «Оқ халатга доғ тушмасин» сарлавҳали мақола босилган эди. Унда шарафли касб эгалари — совет врачларининг олижаноб фазилатлари, шу билан бирга баъзи шифокорларнинг беморларга носамимий муомаласи, таъмагирлиги, порахўрлиги, ўз касбини суиистеъмол қилиб, оқ халатли шифокорлар шаънига доғ тушираётгани танқид қилинган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида аҳолига медицина хизмати кўрсатишдаги камчиликлар, беморларга дори-дармон бериш чоғида пора олишлар, таъмагирлик қилишлар ҳақли суратда кўрсатиб берилди. Оқшомхонлардан редакциямизга келаётган кўплаб хатларда бу ҳақда ҳаққоний фикр-мулоҳазалар изҳор этилмоқда. Қуйида ана шу хатлардан намуналар билан танишасиз.

«Тошкент оқшоми» газетасида босилган «Оқ халатга доғ тушмасин» мақоласини ўқиб жуда тўлқинландим. Врач деган шарафли номга пок виждон билан қарамаган Сайёранинг онасига нафратим қўзиди. Жонажон Коммунистик партиямиз инсоннинг бебаҳо бойлиги— саломатлиги учун ҳамма қулай шароитларни яратиб, текин даволаниш имкониятларини бериб қўйибди. Шундай ажойиб замонда, шолизордаги шумғия каби текинхўрлик қилиш, пора олиш, беморларга таъма кўзи билан қараш уят! Ширинсуханлик, фидойилик, ҳалоллик, ўз касбига садоқатли бўлиш ҳар бир шифокор-врачнинг муқаддас бурчи бўлиши керак.

Ҳ. МУРОДОВ,
Черкас кўчасидаги 21-ётоқхонада истиқомат қилувчи бинокор.

●

Мен ҳам шифокорман. Врачлик касбига ўқиган йилларим маънавий пок, қалби олижаноб туйғуларга тўла, аллома устозлардан билим олдим. Ажойиб устозим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор К. Х. Тагиров дастлаб клиникага қадам қўйганимизда беморга самимий, ҳушмуомала, меҳрибон бўлиш, ҳеч қачон қўполлик, таъмагирлик қилмаслик, шарафли бу касбга доғ туширмасликни айтган эдилар.

Очиқ гап, «Оқ халатга доғ тушмасин» мақоласини ўқиб, Сайёра Валиеванинг онаси каби таъмагир, порахўр, ўз касбини суиистеъмол қилиб, чўнтак қаппайтиришни ўйлайдиган врачлар орамизда учраб туришидан нафратланиб кетдим. Шу ўринда, гарчи камтарликка кирмаса ҳам бир нарсани айтмоқчиман. Мана, 20 йилдирки, хирург бўлиб ишлаяпман. Бемор ҳар бир бола тузалиб кетса, мен учун жуда катта байрам, хурсандчилик бўлиб кетади, ҳатто уйдагиларимга айтиб ҳаммани севинтираман. Шифокор учун бундан ортиқ бахт йўқ!

Ю. УЛЛИЕВ,
Ўрта Осиё педиатрия институти болалар хирургияси кафедрасининг доценти.

●

Боғчанинг кичик группасида тарбияланаётган қизчамизни катта группага олиш учун уни медицина кўригидан ўтказмоқчи бўлдик. Поликлиникадан битта справка олиш учун хотинни роппа-роса бир ҳафта қатнади. Кейин мен ўзим ҳам поликлиникага қатнаб, тўрт кун овора бўлдим. Врачлар нуқул шунақа баҳона қилишарди:

—«Бланка йўқ». «Печать сақланадиган сейф калити йўқ». Хуллас, «у йўқ, бу йўқ» билан 86 соат вақтимни йўқотдим. Врачлар бундай сансалорлик қилиб, ишчи-хизматчиларнинг қимматли вақтларини бекор кетказишларни яхши эмас.

Қ. МУСТАФОЕВ,
хизматчи.

●

Врачлик касбини ҳамма шарафлайди, ҳурмат қилади. Моҳир шифокорларимиз қўлида яхши даво топаётган минг-минглаб кишилар уларга дилдан ташаккур айтади. Лекин таъмагир шифокор дардга дард қўшади. Ахир бемор одам азоб бераётган хасталигини даволатаман деб шифокорга илтижо билан келса-ю, у касалнинг жонига оро кирмш ўрнига таъмагирлик қилса, пора сўраса, шу ҳам инсофданми?!

Сайёранинг онаси ана шундай таъмагир, очкўз, молпараст аёл. У ишлаётган коллектив ундани бу ярамас иллатни йўқотишга, Сайёра каби бўлажак врачлар софдилликни, ҳалолликни, одамларга меҳр-муҳаббатли бўлишни дилга жо этишлари керак.

С. ИРИСХЎЖАЕВА,
филология фанлари кандидати.

●

Мен ҳам Сайёра каби студентман. Одам ёшлигидан софдил, ҳалол, ростгўй бўлса, бу яхши одат бир умрга сақланиб қоладн. Сайёра ўз онасининг [гарчи исм-шарифини ўзгартириб ёзган бўлса ҳам] таъмагир шифокорлигини виждонан танқид қилган. Сайёранинг виждонли, иродали, софдил студентлигидан жуда хурсанд бўлдим, мен унинг ажойиб шифокор, ҳалол инсон бўлишига ишондим.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг студенти.





ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

ЗАВҚЛИ УЧРАШУВЛАР

ТОҶИКИСТОН ССР ПОЙТАХТИ —ДУШАНБАДАГИ МАЯКОВСКИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ РУС ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ.

Тошкентдаги Горький номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли рус Давлат академик драма театри биносида Душанбадаги Маяковский номидаги рус Давлат драма театрининг гастроллари бошланди. Мухбиримиз театр бош режиссёри Рюрик Иосифович Нагорничних-дан бир неча саволларга жавоб беришни сўради:

— Рюрик Иосифович, театрнинг босиб ўтган ижодий йўли ҳақида бироз гапириб берсангиз.

— Ҳар бир театрнинг ўзига хос тарихи бор. Агарда мамлакатимиз пойтахтидаги Иттифоқ Большой театри ёши ҳозирда икки асрдан ошган бўлса, Улуғ Октябрь революциясидан кейин ташкил топган театрлар бир мунча ёшроқдир. Бизнинг театримиз тарихи ҳам ўзига хос қизиқарли. У 1937 йилда ташкил топган. Чунки ўша йили Москвада А. Д. Дикий раҳбарлигидаги студияни дастлабки санъат эгалари битириб чиқишган эди. Ўша йили Душанбада рус драма театри ташкил этилиши муносабати билан шу студиянинг барча талабалари бизнинг артистларимиз бўлиб қолишди. Ҳозирги пайтда театрда ветеранлардан бири, СССР халқ артисти Н. Н. Волчков меҳнат қилмоқда. Театрнинг ижодий коллективи тожик драматургияси асарларини тарғиб этиш борасида катта ишлар олиб бормоқда. Театр санъатининг усталари миллий, бадиий анъаналардан оқилона фойланган ҳолда халқнинг турмушини, одатларнинг фазилатини халқ ижодиётининг ўзига хос гўзаллигини яққол намойиш этмоқдалар. 1977 йилда театр Халқлар дўстлиги ордени билан тақдирланди.

Театрда Тожикистон ССР халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистлардан 11 киши, шунингдек бир қатор истеъдодли ёшлар меҳнат қилишмоқда. Биз санъатимизни РСФСР, Москва атрофи, Новосибирск шаҳарларида, Олтой ўлкасида намойиш этганмиз.

Бизнинг Тошкентдаги гастролларимиз биринчи эмас. Лекин Тошкент томошабинлари ўзларининг самимий олқишлари билан бизни ҳамма вақт мамнун этишган.

— Гастроль сафари қайси саҳна асари билан бошланди ва сафар чоғида қайси саҳна асарларини намойиш этасизлар?

— Сафаримиз Расул Ходизоданинг «Бахтнинг сири» асосидаги спектакль билан бошланди. Бу асарда республикамиз энг улуғ кишиларидан бири, буюк тожик адиби Садриддин Айний образи акс эттирилган. Тожик совет адабиётининг тарихи шу адибнинг номи билан чамбарчас боғлиқдир. Иккинчидан машаққатли ва оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган бу адиб ва севимли инсоннинг таржимаи ҳоли ўз-ўзидан ибратли. У Самарқандда тожик ва ўзбек тилларида дастлабки газеталарни ташкил этишда фаол қатнашган. «Одина», «Дохунда», «Қуллар», «Муқанна қўзғолони» ва бошқа роман ва повестлар шу ижодкорнинг қаламига мансубдир. Шу инсоннинг тақдирида республиканинг тақдири тарихи акс этган. Бу саҳна асари шунчаки таржимаи ҳол ҳақида фикр юритибгина қолмай, балки бахтнинг калити нимада деган саволга тўлиқ жавоб беради. Биз Тошкентга бир неча спектакллар олиб келганмиз. Улар орасида Гоголь, Мольер, Лопе де Вега асарлари бор.

Бундан ташқари репертуаримиздан Шукшиннинг «Характерлар» асари ҳам ўрин олган. Бу асар 200 мартадан ортиқ муваффақият билан намойиш қилинди. Бу асарни Тошкентда учинчи марта намойиш этишга аҳд қилганмиз. Бундан ташқари у Шукшиннинг туғилган диёрида ҳам муваффақиятли намойиш этилди.

Лопе де Веганинг «Тентак қиз» асари ҳам юз мартадан зиёд кўрсатилди. Бундан ташқари «Ўн сакизинчи туя», «Севишган билан ажралманг» деган асарлар ҳам бор. Бундан ташқари биз ёш томошабинларни ҳам унутмаганмиз. Улар учун тожик халқ ертоги ижоди намуналари асосида «Хуршид ва ёвуз сеҳргар», «Ғаройиб сир», «Нафис гул» саҳна асарлари бор.

— Театр коллективининг янги ижодий ишлари, корхоналар коллективлари билан олиб бораётган маданий алоқалари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Театр коллективи республика драматурглари билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда. Тожик муаллифларининг асарлари ҳар йили саҳналаштирилмоқда. Тожикистон Компартияси ва Тожикистон ССРнинг 60 йиллиги муносабати билан М. Хўжаевнинг Норак қурувчилари ҳақида ҳикоя қилувчи «Сув нажот манбаи» асари кўрсатилди. Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига атаб А. Дударевнинг пьесаси асосида «Аскарлар» саҳналаштирилди. Унинг премьераси катта муваффақият билан ўтди. Драматурглардан Н. Исломов ва И. Нестеренконинг «Кутилмаган келин» асари премьераси Тошкентда ўтказилади.

Ишчи клубларда, қурилиш майдонларида томошабинлар билан учрашувлар ўтказишимиз яхши анъанага айланиб қолган. Тожикистондаги алюмин заводида ва бошқа ташкилотларда спектакларимизни муntазам намойиш этяпмиз.

Тошкентдаги Горький номли театр саҳнасида бошланган гастролимиз май ойининг охирига қадар давом этади. Шундан кейин биз оперетта театри саҳнасида спектакллар кўрсатишни давом эттирамиз. Шунингдек, Олмалиқ шаҳри томошабинлари ҳузурида бўлиш ниятидамиз.

* * *

Душанбадаги Маяковский номидаги рус Давлат драма театрининг Тошкентдаги гастролларн муваффақият билан ўтмоқда.

СУРАТЛАРДА: Ж. Б. Мольернинг «Тартюф», Лопе де Веганинг «Тентак қиз» асарларидан лавҳалар.

С. Маҳкамов фотолари.

● ВРАЧ ҚАБУЛИДА

ВИРУСЛИ ГЕПАТИТ ВА ПАРҲЕЗ

Вирусли гепатит ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан жигарга зарар етказади. У дунёнинг ҳамма қитъаларига кенг тарқалган бўлиб, энг юқумли касалликлардан бири ҳисобланади.

Касаллик вируслари жигар ҳужайраларини емиради. Натижада жигар шишади ва ишлаб чиқарилган ўт димланиб қонга сўрилади. Бунинг оқибатида кўз оқи ҳамда тери сарғаяди. Шу боисдан ҳам бу ҳасталик «сариқ касали» номи билан юритилади.

Киши организмида жигарнинг мавқеи ғоят муҳим бўлиб, у айниқса модда алмашинуви жараёнида, заҳарли моддаларни зарарсизлантиришда фаол иштирок этади. Организм учун бу қадар зарур аъзонинг вирусли гепатит касаллиги туфайли жароҳатланиши анча узоқ вақт давом этадиган жараёндир.

Бемор шифохонадан тузалиб чиққан вақтда ўзини яхши ҳис қилса ҳам жигардаги баъзи ўзгаришлар ҳали тугалланмаган, организмдаги мураккаб модда алмашинуви ва баъзи биохимиявий жараёнлар ўз аслига қайтмаган бўлади. Шунинг учун ҳам вирусли гепатит билан оғриган беморлар анча вақтгача парҳез сақлаб, махсус режимга риоя қилишлари керак.

Парҳез ва режим натижасида анча сусайиб қолган жигар фаолияти тикланади ва ўт ишлаб чиқарилиши яхшиланади. Аксинча, бемор тезда узилиб қолади ва касаллик қайталанади, сурункали формага ўтиб кетади. Кишини умрбод ҳаста қилиб қўядиган жигар циррози (чандир қоплаши) ҳам кўпинча режимга риоя қилмаган кишиларда кузатилади.

Шунинг учун бемор шифохонадан чиққандан кейин 10 кун уй шароитида бўлиши, енгил гимнастика машғулотлари билан шуғулланиши, тоза ҳавода сайр қилиши лозим. Бу вақтда даволанаётган киши совуқ қотишдан, саратонда эса офтоб уришидан ва қаттиқ ҳаяжонланиш каби ножўя таъсирлардан эҳтиёт бўлиши керак. Туристик саёҳатларга чиқиш ман этилади. Узоқ вақт олиб борган кузатувлар касалликдан эндигина тузалиб чиққандан сўнг, узоқ курортларга борган кишиларда (иқлим шаронти ўзгариши натижасида) касаллик яна қайталанишини исботлади. Шунинг учун олти ойгача жанубий курортларга бориш тавсия қилинмайди. Яқин атрофдаги маҳаллий дам олиш уйлари ва санаторийларда дам олиш мақсадга мувофиқдир.

Вирусли гепатитдан тузалган беморларга профилактик эмлаш (қоқшол ва қутуришдан ташқари) олти ой давомида, болаларда эса бир йилгача рухсат этилмайди. Планлаштирилган операцияларни қилиш тавсия этилмайди. Вирусли гепатитдан тузалган аёллар бир йилгача ҳомиладорликдан сақланишлари керак.

Маълумки, сариқ касаллиги билан болалар ҳам тез-тез оғриб туради. Хўш, бу касаллик болаларда қандай ўтади?

Вирусли гепатит билан оғриган болалар фақат касалхонада даволанишлари керак, албатта. Шифохонадан тузалиб чиққан болаларни ҳам бутунлай соғайган деб бўлмайди.

Вирусли гепатит билан оғриган болаларга мактабда жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланишга 6 ойдан —1 йилгача, айрим ҳолларда 2 йилгача рухсат этилмайди. Велосипедда учиш, чанғида юриш, конькида учиш, яхмалак отиш, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи ўйнаш, сувда сузиш, офтобда исниш ман этилади, 1 йилгача профилактик эмлашлар ўтказилмайди.

Сариқ касаллиги билан оғриб, ҳатто шифохонадан тузалиб чиқиб кетгандан кейин ҳам 6 ойдан — 1 йилгача парҳез тутиш керак.

Вирусли гепатитдан бутунлай мусаффо бўлиб кетишда парҳезнинг аҳамияти катта. Касалхонадан чиққандан сўнг ҳам ярим йилгача, айрим ҳолларда бир йилгача маълум парҳезга риоя қилинади. Бемор истеъмол қиладиган таом, биринчидан жигарни муҳофаза қилиши керак бўлса, иккинчидан организмни тўйимли озуқа билан таъминлаши лозим. Бундан ташқари у сифатли аминокислоталар, оқсил моддаларга, витаминларга бой бўлиши керак. Овқатни суткасига 5—6 маҳал маълум соатда ва меъёрда истеъмол қилиш фойдалидир.

Истеъмол қиладиган таом бир суткада 3000 — 3500 килокалорияга эга бўлиши зарур. Бунинг учун катта ёшдагилар овқати таркибида 100—120 грамм оқсил, 300—500 грамм карбон суви, 80—100 грамм ёғ, ёш болалар учун 50—60 грамм оқсил, 200—300 грамм карбон сувлари, 30—40 грамм ёғ бўлиши етарлидир.

Парҳезда асосан сут ва сутдан тайёрланган маҳсулотлар тавсия қилинади. Ширинликлардан қанд, шакар, карамель конфетлар, парварда, новвот, олчали, беҳихли, қулупнайли ва малинали мурабболарни тановул қилиб туриш мумкин. Кунига бир ош қошиғида асал еб туриш ҳам фойдалидир, чунки унинг таркибида жигарга шифобахш таъсир этувчи моддалар кўп.

Ҳўл мевалардан узум (айниқса ҳусайни ва кишмиш навлари), олма, ширин анор, нок, беҳи, анжир, шафтоли, ўрик, олхўри, мандарин, апельсин, лимонлар ва уларнинг шарбатлари шифобахшдир. Тарвуз, қовоқ, помидор, бодринг, кўкатлар ҳам тавсия этиладн. Бир суткада ҳаммаси бўлиб 2—2,5 литргача суюқлик ичиш лозим. Суюқлик балансини мева шарбатлари, компотлар, киселлар, тарвуз суви, тошкент минерал суви, Боржоми, 4 ва 17 рақамли Ессентуки, Словян, Смирнов сувлари ҳисобига тўлдирилади.

Стиртли ичимликлар, тузланган, дудланган ва сиркаланган маҳсулотлар, қовурилган таомлар, қўй ва мол ёғлари, от гўшти, ўрдак ва ғоз гўштларини истеъмол қилиш ман этилади.

Биз юқорида кўрсатиб ўтган режим ва парҳезнинг қайси турлари беморга монанд бўлишини, қанча давом этишини врач аниқ белгилаб беради ва организмда ўзгаришлар рўй берган тақдирда эса, уларни ўз вақтида аниқлаб, керакли чораларни кўради. Шунинг учун вирусли гепатитдан тузалган барча беморлар врач тайин қилган муддатларда кўрикдан ўтиб туришлари зарур.

М. ТУРОПОВ,
Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институтининг лаборатория мудири, медицина фанлари кандидати.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

ТУХУМ ҲАММАГА ФОЙДАЛИМИ?

Ҳурматли редакция! Тухум ҳаммага ҳам фойдалими? Баъзиларнинг айтишича, тухум кўп еймлса зарар қилар эмиш. Шу тўғримн!


Н. ЭРГАШЕВА,
боғча тарбиячиси.

●

Соғлом ўсмирлар ва ёш болалар ҳар куни товуқ тухуми ейишлари мумкин, бунда овқатланиш физиологиясига ҳеч зарар етмайди. Битта тухумда тахминан 31 грамм сув, 6 грамм оқсил, 5 грамм минерал моддалар, бир қатор турли хил витаминлар (А, Д, Е, В, B^2, B^6 ва B^{12}) бор. Лекин тухумда кўп миқдорда — битта тухум сариғида 280 миллиграмм холестерин бор. Соғлом организм учун бу кўп сонли витаминларнинг шунчалик зарурлиги тасдиқланган. Аммо 15 ёшгача бўлган болалар ва 60 ёшдан ошган кишилар учун ҳар 2—3 кунда битта тухум ейиш тавсия қилинади.

Биламизки, тўғри овқатланиш ҳар хил касалликларга қарши муҳим тадбир бўлиб, унинг давомида (қанд, ёғ ва холестеринниинг) кўплиги белгиланган бўлиши мумкин. Озиш учун бир томонлама парҳез белгиланган пайтда озиқ-овқатлар таркибида тухум, гўшт ва ёғнинг кўп миқдорда бўлиши белгиланади. Шундай «тухум парҳези» давомида кунига 6—8 тагача тухум истеъмол қилиниши тавсия этилади. Бу эса, кунига 1500— 2000 миллиграмм холестерин истеъмол қилинди, деган гап бўлиб, аввал бузилган модда алмашувини ўз ҳолига келтиришга хизмат қилади. Бундай парҳезнинг асосий қисми гўшт ва ёғдан иборат бўлса, овқат таркибида шунча миқдорда холестерин тўпланади. Ҳар нарсанинг ози ширин деганларидек, тухумни ҳам меъёрида истеъмол қилиш керак.

М. САИДБОЕВА.



Шундай қилиб бу партияда юриш навбати олмаоталикларга келди. Ҳурматли газетхонлар, сизлар эса сиртқи шахмат матчи қандай бораётганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Бизнинг адресимиз: 700047, Тошкент шаҳри, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. «Тошкент оқшоми» («Дўстлик» матчи»)га. Ўз фикр ва мулоҳазаларингизни 33-08-74, 32-55-32 телефонлари орқали ҳам хабар қилишингиз мумкин.

„ТО" спорт ҳафтаси

ТОШКЕНТ—ОЛМАОТА ШАХМАТ МАТЧИ


● **Сиртқи «Дўстлик» шахмат матчида 1:0 ҳисобида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газетхонлари олдинда боришмоқда.**

● **Оқшомхонлар оқ доналарни сураётган иккинчи тахтада вазият кескинлашди. Ҳар бир юриш учрашув тақдирини ҳал қилиши мумкин.**

Ўтган чоршанба куни, яъни 8 майда газетамизда «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» ва «Вечерняя Алма-Ата» газетхонлари ўртасидаги сиртқи шахмат матчининг иккинчи тахтасида олмаоталикларнинг жавоб юриши эълон қилинган эди. Улар e7 катагида турган филни c5 катагига суришган эди. Шундан кейин оқ доналарда ўйнаётган тошкентлик шахмат мухлислари навбатдаги 32 юришни эълон қилишлари лозим эди.

Ўйлаш учун ажратилган бир ҳафта муддат ўтди. Навбатдаги юриш ҳақида фикр ва мулоҳазалар битилган кўплаб хатлар олдик. Газетхонларнинг кўпчилиги e3 катагида турган фил билан c5 катагидаги қора филни уриш керак деган фикрни билдиришди. Жумладан, Сергели район шахмат клубининг аъзолари, В. Девятов, А. Аванесян, В. Осипов, Д. Шокиров, В. Костин ва бошқалар шундай фикр билдиришган. Бу юриш «Камалак» шахмат клуби томонидан тўғри деб тасдиқланди ва олмаоталик шахмат мухлисларига маълум қилинди.

Бирон сабабга кўра баҳсда иштирок этолмай қолган мухлислар учун иккинчи тахтада қилинган юришларни эслатиб ўтамиз. 1. d4d5 2. c4dc 3. Кf3 Кf6 4. e3 Cg4 5. C:c4 e6 6. h3 Ch5 7. Кc3 a6 8. g4 Cg6 9. Кe5 Кd7 10. К:g6 hg 11. Фf3 Кc6 12. a3 Кb6 13. Ca2 Фd7 14. Cd2 0—0—0 15. 0—0—0 Ка5 16. Крb1 Кас4 17. Cc1 Крb8 18. e4 Фc6 19. Лd3g6 20. h4 Се7 21. h5g5 22. Лhd1 Лd7 23. Фе2 a5 24. Кb6 27. Л:d7 К:d7 23. Фа2 a5 24. d5 ed 25. К:d5 К:d5 26. Л:d6 d5ed 25. К:05 К К:o7, 28. Cd5 Фb6 29. C:b7 Же5 30. Cd5 Cc6 31. Cc3 Cc5 32. Се3:Cc5



Футбол спортнинг энг оммавий тури эканлиги азалдан маълум. Ҳар бир бола мактаб ёшидан бошлаб қандайдир даражада футболчи бўладн. Унинг иштнёқини сўндирмаслик, талантини шакллантирш учун тренерлар жуда кўп тер тўкадилар. Ана шундай тренерлардан бири Владимир Дмитриевич Комариницидир. У етакчилик қилаётган «Старт» стадионидаги футбол секциясида 270 дан зиёд ўсмир футбол сирларини ўрганмоқда.

СУРАТДА: тренер В. Комариницин бир группа болаларга навбатдаги машғулот мазмунини тушунтирмоқда.

Х. Мирзакаримов
фотоси.

●

СПОРТ КУНДАЛИГИ

● Футбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лига шарқий зона коллективлари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. «Пахтакор» Жиззах шаҳрида «Звезда» командаси билан беллашди. Учрашув 2:1 ҳисобида жиззахлик футболчиларнинг фойдасига ҳал бўлди. Тошкентлик футболчилар навбатдаги учрашувни 22 май куни ўз майдонларида Душанба шаҳрининг «Помир» командаси билан ўтказишади.

Бу турнирнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кузбасс» — Хабаровск армия спорт клуби — 2:0, МАСК — «Искра»— 3:0, «Крилья Советов» — «Ротор» — 0:0, «Локомотив» — «Шинник» — 3:1.

● Футбол бўйича Ўзбекистон биринчилигининг навбатдаги турида Тошкентнинг «Трактор» командаси Сирдарёнинг «Соҳибкор» командасини қабул қилди. Учрашувда тошкентликларнинг устунлиги яққол сезилиб турди. Улар 4:0 ҳисобида ғалабага эришдилар. Етти тур якунига кўра «Трактор» пешқадамлар сафида бормоқда.

● Свердловск шаҳрида энг кучли армиячи шашкачиларнинг турнири якунланди. Бу ерда ўзбекистонлик халқаро мастер Сергей Давидов яхши ўйин кўрсатди. У турнирни мағлубиятсиз якунлаб, учинчи ўринни эгаллади.

● Биринчи ўсмирлар спорт ўйинлари республика биринчилиги программаси доирасидаги енгил атлетика баҳслари якунланди. Команда ҳисобида Тошкент шаҳрининг вакиллари биринчи ўринни эгалладилар. Шахсий ҳисобда ҳам ҳамшаҳарларимиз яхши қатнашишди. Жумладан Людмила Лапшина 100 ва 200 метр масофага ўтказилган мусобақада биринчи ўринни эгаллади. Игорь Ревякин 400 метр масофага ўтказилган баҳсда маррага биринчи бўлиб келди.

● Қаршида биринчи ўсмирлар спорт ўйинлари республика биринчилиги программасидан жой олган камондан отиш баҳслари якунланмоқда. Ғолиблик учун 80 дан зиёд спортчи баҳс олиб боряпти. Дастлабки беллашувларда тошкентлик Оксана Бондарь ва унинг командадоши Райҳон Ражабова биринчи ўринни эгалладилар. Ўсмирларимиз эса совриндорлар сафидан жой ололмадилар.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

16 МАЙ, 1985 й.

ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Телефон трубкасини кўтариб, «8» рақамини тергач, сиз шаҳарлараро автомат алоқага чиқиш имкониятн тўғрисида сигнални эшитасиз. Шундан сўнг сизга керакли шаҳар коди ва телефон номерини териш лозим. Агар 30 — 35 секунд ичида боғланиш бўлмаса, трубкани қўйинг ва теришни такрорланг. Рақамларни теришдаги узилишлар 4 секунддан ошмаслиги керак, шунинг учун сизга ўзингиз тераётган тартибда рақамларни олдиндан ёзиб олишни тавсия этамиз.

Шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан 24, 29, 32, 33, 35, 39, 41, 42, 44, 45, 46, 48, 53, 55, 56, 58, 62, 64, 66, 74, 76, 77, 78, 90, 91, 96—АТСларнинг абонентлари фойдаланишлари мумкин.

Фақат 42, 44, 66—АТС абонентларигина керакли рақамларни териб бўлгач, ўз телефон номерини терадилар.

467ххх, 538ххх, 645ххх, 649ххх АТСларининг абонентлари шаҳарлараро автомат телефон алоқасидан фойдаланиш учун техник имкониятларига эга эмаслар.

Сиз 39-49-10, 33-58-10 телефонлари орқали шаҳар коди, шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари тўғрисида ахборотлар олишингиз, «8» рақамига чиқилмаётгани ва бошқа шаҳарлар билан боғланиш ўрнатилмаётгани тўғрисида ариза беришингиз мумкин.

Ўзингиз боғланаётган шаҳар справка бюроси, АТСи орқали сизга зарур бўлган абонент телефон номери тўғрисида маълумот олишингиз мумкин. Бунда сўзлашув учун одатдаги тартибда ҳақ тўланади.

Шаҳарлараро автомат телефон алоқаси бўйича одатдагидан 25 процент арзон ҳақ тўланадиган имтиёзли тариф иш кунлари соат 18.00 дан 24.00 гача ва 00.00 дан 07.00 гача дам олиш ва байрам кунлари —бутун кеча-кундуз давомида амал қилади.

Автомат алоқаси амал қиладиган йўналишлар бўйича ўтиб бораётган кун ва келгуси икки кун учун буюртмачиларни 07 телефон орқали буюртмалар столи телефонисти қабул қилади. Маълумотларни 007 телефони орқали олиш мумкин.

ШАҲАРЛАРНИНГ КОДЛАРИ

Йўналишлар номи	Код	Справкалар бюроси
Олмаота	3270	695122
Андижон	37422	42222
Актюбинск	31300	22121
Ашхобод	36300	51556
Бухоро	36500	32222
Винница	04300	22222
Владимир	09222	32222
Волгоград	8442	330301
Вологда	81722	22222
Горький	8312	362222
Грозний	87122	34502
Гулистон	36722	22222
Жамбул	32600	30707
Жиззах	37222	32222
Днепропетровск	0560	222222
Душанба	3770	222222
Ереван	8852	527972
Житомир	04100	72222
Ивано-Франковск	03400	22222
Йошкар-Ола	83600	62222
Қарағанда	3210	543636
Қарши	37500	45555
Қизил-Ўрда	32400	66908
Киев	044	2222222
Киров	83300	22222
Кировоград	05200	22222
Кишинёв	0420	222222
Қўқон	43400	22222
Кўкчетов	31600	65757
Краснодар	86100	50333
Куйбишев	8462	334583
Ленинобод	37900	62222
Ленинград	812	—
Львов	0322	222222
Мари	37000	22222
Минск	0170	362222
Москва	095	—
Нальчик	86600	22111
Наманган	36900	62222
Новосибирск	3832	9909111
Навоий	43600	—
Нукус	36100	22222
Оржоникидзе	86722	38188
Ўш	33200	21106
Павлодар	3180	752755
Псков	81100	22145
Ростов-Дон	8632	326609
Самарқанд	36600	32222
Саранск	83400	42222
Саратов	8452	245300
Свердловск	3432	209111
Семипалатинск	32200	22121
Ставрополь	86522	25252
Толдиқўрғон	32800	72121
Тбилиси	8832	990203
Термиз	37622	22222
Ульяновск	84222	40222
Уральск	31100	21068
Урганч	36222	62222
Усть-Каменогорск	32300	52222
Фарғона	37300	42222
Фрунзе	3310	254254
Харьков	0570	222222
Целиноград	31700	22121
Чебоксари	8350	222222
Челябинск	3510	361631
Черкасси	04722	22222
Чернигов	04622	22222
Черновци	03700	22222
Чимкент	32500	34645
ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОН МАРКАЗЛАРИ:		
ОЛМАОТА ОБЛАСТИ		
Иссиқ	327075	2183
Қапачағай	32772	21109
Каскелин	32771	91963
Талгар	32774	46370
Узуноғоч	327070	2898
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Охунбобоев	37475	52222
Қўрғонтепа	37472	11222
Ленинск	37436	22222
Пойтуғ	37431	22222
Хўжаобод	37474	12222
Шаҳрихон	37434	22222
ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ		
Биково	84495	91222
Дубровка	84458	91261
Жирновск	84454	24211
Калач	84472	22952
Камишин	84457	23019
Клетский	84466	41190
Котово	84455	—
Кумелжинская	84462	—
Ленинск	84478	—
Михайловка	84463	22255
Новоаннинский	84447	—
Октябрский	84475	—
Палласовка	84492	61835
Средняя Ахтуба	84479	71205
Суровикино	84473	91303
Урюпинск	84442	22492
Фролово	84465	96475
ГОРЬКИЙ ОБЛАСТИ		
Арзамас	83147	22222
Богородск	83170	31550
Бор	83159	22222
Дзержинск	83140	31124
Кстово	83145	22222
Павлово	83171	41222
Семёнов	83162	21221
ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТИ		
Волосово	81273	21090
Волхов	81263	11077
Всеволжск	81270	24344
Выборг	81278	22502
Гатчина	81271	22222, 22223
Кингисепп	81275	22266
Лодейное Поле	81264	22233
Ломоносов	81276	21333, 20171
Луга	81272	22163
Сосновий Бор	81269	64239
Тосно	81261	22222
КИЕВ ОБЛАСТИ		
Белая церковь	04463	52222
Володарка	04469	51351
Переяслав-Хмельницкий	04467	52379
Полесское	04492	51351
Тетиев	04460	51332
Фастов	04465	52222
ПЕРМЬ ОБЛАСТИ		
Верешагино	34254	—
Қизил	34255	—
РОСТОВ ОБЛАСТИ		
Волгодонск	86392	22209
Каменск	86365	59085
Миллерово	86315	33509
Новошахтинск	86369	23120
Новочеркасск	86352	23209
Сальск	86372	20080
Таганрог	86344	21414
САРАТОВ ОБЛАСТИ		
Аркадак	74542	21965
Аткарск	74552	—
Балашов	74545	—
Горний	74577	—
Ивантеевка	74579	—
Калининск	74549	—
Красноармейск	74550	22936
Красний Кут	74560	—
Новие Бураси	74557	—
Новоузенск	74562	—
Озинки	74576	—
Ртищево	74540	—
Самойловка	74548	—
Степное	74566	21953
Татишчево	74558	—
СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ		
Алапаевск	34346	56422
Артемовск	34363	32222
Асбест	34365	24009
Белоярский	34377	21222
Каменск-Уральский	34378	30351
Карпинск	34313	22599
Краснотурбинск	34314	22299
Красноуфимск	34394	—
Нижние Серьги	34396	—
Нижний Тагиль	34351	23009
Первоуральск	34392	22609
Ревда	34397	42325
Серов	34315	24301
Сухой Лог	34373	22884
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оққўрғон	255	91222
Олмалиқ	261	42222
Ангрен	2660	2222
Оҳангарон	2640	2222
Бекобод	2910	2222
Бўка	257	35222
Ғазалкент	274	21385
Гулбаҳор	258	76222
Зафар	293	21222
Калинин	297	54222
Келес	296	56222
Қибрай	295	61222
Паркент	272	92222
Пискент	254	96260
Солдатский	256	72222
Тўйтепа	276	21222
Чиноз	259	31111
Чирчиқ	271	52222
Янгийўл	260	72222
Янгибозор	298	91013

Квартирада ўрнатилган телефонлардан шаҳарлараро сўзлашувлар ҳақи шаҳар алоқа бўлимларидан счёт қўйилган кунидан бошлаб 15 кунлик муддатда тўланиши шарт. Ҳақни тўлаганлик тўғрисида ҳужжатни даъво муддатига мувофиқ — 3 йил сақлаш лозим.

Счёт ҳақи тўланмаган ҳолда алоқа корхонаси абонентни телефон узиб қўйилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантиради.

Огоҳлантиришдан сўнг 5 кун давомида счет ҳақи тўланмаса, телефон узиб қўйилади.

Огоҳлантиришдан сўнг ҳақ тўланган тақдирда, телефон узиб қўйилишининг олдини олиш учун абонент шаҳарлараро телефон станциясига қарзни узганлиги ҳақида хабар бериши лозим.

Алоқа корхонаси томонидан телефонни қайта улаш, абонент қарзини узганлиги тўғрисида ҳужжатни тақдим этгач ва қайта улаш учун 2 сўм тўлагач 3 кеча-кундуз давомида амалга оширилади.

Агар телефон узиб қўйилгандан сўнг бир ой давомида қарз узилмаса, абонентнинг телефондан фойдаланиш ҳуқуқи бекор қилиниши мумкин, қарз эса белгиланган тартибда ундириб олинади.

Индивидуал ёки коллектив фойдаланишдаги квартира телефонлари ва ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар телефонларидан шу жумладан меҳмонхоналар, ётоқхоналар, санаторийлар ҳамда шу кабиларда ўрнатилган телефондан амалга оширилган шаҳарлараро телефон сўзлашувлари учун моддий жавобгарлик абонент, яъни телефон эгаси ҳисобланувчи шахс зиммасига юкланади.

Сўзлашув куни, шаҳри ва давомийлиги тўғрисидаги маълумотлар счет тақдим этилган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, счетда кўрсатилган телефон орқали: ҳафтанинг иш кунларида — 09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 20.00 гача; шанба кунлари —09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача берилади.

Абонентларга хизмат кўрсатувчи операторларнинг телефон номерлари:

32, 33, 39, 96— АТСлар — 44-57-22.
91, 99, 46, 29 —АТСлар — 44-32-34.
77, 24, 90— АТСлар — 44-54-08.
78, 76, 74 —АТСлар — 44-50-14.
55, 56, 45—АТСлар — 44-56-04.
44, 48, 62— АТСлар — 44-37-74.
41,42, 35, 36—АТСлар — 44-61-97.
53, 58, 64, 66— АТСлар — 44-32-24.

Операторлар бригадири телефон номери— 44-33-34, абонентлар участкаси бошлиғининг телефон номери — 44-52-54.

Телефон алоқалари тўғрисидаги маълумотлар алоқа корхонаси томонидан фақат телефон сўзлашувида қатнашувчи шахсга, телефон тармоғи абонентига ёки унинг қонуний вакили билан келган кишига берилади.

Шаҳарлараро телефон сўзлашувлари юзасидан тақдим этилган счётлар бўйича шикоятлар шаҳарлараро телефон станцияси томонидан счёт тақдим этилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Абонентлик участкаси ташриф буюрувчиларни ҳафтанинг иш кунларида — 16.00 дан 20.00 гача; шанба кунлари —09.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 18.00 гача қабул қилади.

Шаҳарлараро сўзлашувлар ҳақини ўз вақтида тўлашингизни қатъиян сўраймиз.

ҚУЙИДАГИ ШАҲАРЛАРДА ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ЎЗГАРДИ:

Олмаотада — декабрь ойигача 61—АТС дан 64—АТСга телефонларнинг бир қисми ўтказилди. Справкалар телефони — 62-42-42.

Горькийда — 23ххххдан 26ххххга (қисман). Справкалар телефонлари — 36-22-22, 26-08-99, 23-08-99.

Ленинградда — 294хххх дан 484хххх га
258хххх дан 132хххх га
қуйидаги номерлар ўтказилди:
2580000+2580999;
2581000+2581999;
2584000+2585999;
2587000+2587999.

Минскда — 27хххх дан 28хххх га
32, 34хххх дан 31хххх га
54, 51хххх дан 55хххх га
Москвада — 142хххх дан 592хххх га.
Новосибирскда —65хххх дан 35хххх га.
Краснодарда — 3хххх дан 35хххх га.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18 МАЙДАН БОШЛАБ

ЯНГИ ПРОГРАММА

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ В. ОСКАЛ-ООЛ РАҲБАРЛИГИДА

СОВЕТ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

(Икки бўлимда)

ТОМОШАЛАР соат 19.30 да; шанба кунлари соат 16 ва 19.00 да; якшанба кунлари соат 12, 15 ва 18.00 да БОШЛАНАДИ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Касса ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНГИ ТОМОШАЛАРГА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ЗАЯВКАЛАРИ БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚОНДИРИЛАДИ.

44-35-91, 44-35-84 телефонлари бўйича справкалар олишингиз мумкин.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

18, 19 МАЙ СОАТ 11 ВА 17.00 ДА

СССР КУБОГИ УЧУН

КАТТАЛАР ВА ЎСМИРЛАР КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

ДЗЮДО МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

МУСОБАҚАЛАРНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ 18 МАЙ СОАТ 17.00 ДА .

МУСОБАҚАЛАРДА ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ТЕРМА КОМАНДАЛАРИ; МОСКВА ВА ЛЕНИНГРАД ШАҲАРЛАРИНИНГ КОМАНДАЛАРИ ҚАТНАШАДИ.

Мусобақа бош судьяси — халқаро тоифадаги судья М. Б. КАМЕНЕЦКИЙ (Рига шаҳри).

Кассалар 11 дан 19.00 гача очиқ.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31 (касса); 46-07-58, 46-68-77 (администратор).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

2-ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1985— 1986 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ, БОЛАЛАР ПРОФИЛИДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ. Ўқиш муддати бир йилу 10 ой.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилардан ҳужжатлар 1 июндан 15 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1—21 август кунлари ўтказилади.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ. Ўқиш муддати 2 йилу 3 ой. Кечки бўлимга кирувчиларнинг ёши чекланмайди. Ҳужжатлар 1 июндан бошлаб қабул қилинади. Имтиҳонлар химия (оғзаки), она тили ва адабиёт (ншю)дан 1 сентябрдан бошлаб ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига олтин медаль ёки фахрий ёрлиқ билан кирувчилар суҳбатдан ўтадилар. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат, турар жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 12-уй (70, 34-автобуслар, 2, 6, 12-троллейбуслар, 4, 9, 11-трамвайларнинг «Спорт товарлари магазини» бекати). Телефонлар: 78-94-93, 78-49-27.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ **МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИК** (попончилик) **бўйича**

мутахассислар тайёрланадиган

6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдаги Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлганлар қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ҳар ойда 35 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Курсни тамомлаганлар Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига ишга юборилади.

Фабрика қошида кечки мактаб ишлайди ва ўқишни давом эттириш мумкин.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Машғулотлар ҳар ойнинг бошида бошланади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, Олча проезди, 2-уй (38, 59, 76, 166-автобусларнинг «Магазин» бекати). Справкалар учун телефон: 44-29-70.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/V да **Оловли фариштa.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/V **дан бошлаб СССР халқ артисти В. Оскал-Оол раҳбарлигидаги совет цирки усталарининг томошалари** (19.30).

кино

16 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТРЮКЧИ»— **Чайка** (18.30, 21.00; телефон 77-35-43).

«ҚАДРДОН УМРАО» —**Ватан** (18.30, 21.00); **Москва** (18.30, 31.40); **Восток** (17, 20.30; телефон 91-14-23).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-47-74).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ» — **Фестиваль** (21.30), **Москва** (тоқ соатларда).

«ПРОХИНДИАДА, ЕКИ ТУРГАН ЖОЙИДА ЮГУРИШ»— **Хива** (21.30, телефон 32-78-02),**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Тошсовет 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Қозоғистон** (15.00 17.00, 18.00, 20.00, 21.00, телефон 35-24-92).

«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда).

«ТУТСИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ»— **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СПОРТЛОТО-82»— **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда, телефон 24-22-66).

17 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТРЮКЧИ» —**Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; телефон 77-35-43).

«ҚАДРДОН УМРАО» — **Ватан** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00), **Восток** (11.00, 14.00, 17.00, 20.30 · телефон 91-14-23).

«ВОДИЛЛИК КЕЛИН» — **Нукус** (тоқ соатларда; телефон 46-47-74).

«СОЯГА ТУРМУШГА ЧИҚДИМ»— **Фестиваль** (21.30).

«ПРОХИНДИАДА ЕКИ ТУРГАН ЖОЙДА ЮГУРИШ» —**Хива** (21.30).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **К. Ерматов номли** (11, 14, 17, 10.00).

«ШАҲЗОДА ВА ГАДО» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).

«ТУТСИ» —**Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«МЕНИНГ НОМЗОДИМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

Толстой кўчаси, 3-уйда жойлашган
ПОЧТАМТДА
20 МАЙГАЧА
ҳар куни соат 8 дан 20.00 гача
Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган
РЕСПУБЛИКА ФИЛАТЕЛИЯ КЎРГАЗМАСИ **ИШЛАЙДИ**
Кириш бепул.
«Союзпечать» матбуот тарқатиш бошқармаси.

Самарқанд область Иштихон районидаги 35-ўрта мактаб томонидан **Холниёзова Дилфуза Ҳакимовна** номига берилган 392752 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг «Ташоблремстрой» трести таъминот идорасига берилган ГТ.1 3626836, 3626839 номерли йўқолган **меҳнат дафтарчаларининг тоза бланкалари ва ГТ.1 0028540 номерли илова**
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТВ

пайшанба

16 МАЙ

● МТ I

18.25 Т. Хренников. «Гусар балладаси» балетига ёзилган куйдан сюита.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономиканн бошқариш». Кўрсатувни СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Открнткалар оламида». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Виктор Васнецов. Хотиралар». Телефильм премьераси.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Антарктидани танлайман». Телефильм премьераси.
19.20 Халқ куйлари.
19.30 Қишлоқ янгиликлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «10 миллион ҳақида 10 минут». Ҳужжатли фильм.
21.00 Бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Болгарнядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Онам эрга тегди». Бадиий фильм.
23.25 ЧССР, ПХР, БХР, ВХР фольклор коллективларининг концерти.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
18.35 «Боцман ва тўти». Мультфильм.
18.45 «Ўзбек адабиёти классиклари». Муқимий. Туғилган кунининг 135 йиллигига.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.15 «Мустаҳкам озуқа базаси учун».
20.30 «Ахборот».
20.50 Область театрлари солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ягона сиёсий кун. КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олайлик!
22.35 «Фронт ортидаги фронт». Бадиий фильм. 2-серия.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шахсий масала». Телефильм.
19.00 «Совет классик куйлари саҳифалари».
19.30 Реклама.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.05 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).

жума

17 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Моҳир қўллар».
10.10 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.30 «Кувонч — бу қўшиқ». Фильм-концерт.
12.20 «Козари». Ҳужжатли фильм премьераси.
12.35 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильмлар: «Ижроком қарор қабул қилди», «Петро — Петербой».
15.50 «Рус тили».
16.30 «Хо Ши Мин: чашма ҳақида хотира». Телефильм.
17.20 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Аслида ўзи йўқ, шаҳардаги саргузашт.
19.05 «Фавқулодда автобус». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кел, алмашайлик». Мультфильм премьераси.
19.40 «Шу куннинг почтаси». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов олиб боради.
20.15 «Қаерда эдинг, Одиссей?» Телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 СССР халқ артисти Н. Сличенконинг ижодий кечаси.
23.25 «Дунё воқеалари».
23.40 Тинчлик велопойгаси. ПХРдан олиб кўрсатилади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — «Биз челябинскликмиз». Ҳужжатли фильм премьераси.
9.35, 10.35 — География. 8-синф. Ўрта Осиё иқтисодий райони.
10.05, 13.40 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
11.35, 12.35 Музика. 1-синф. Симфоник оркестр чолғулари. 1-кўрсатув.
11.55 М. Ю. Лермонтов лирикаси.
12.40 Музика. 6-синф. С. Прокофьевнинг «Золушка» балети.
13.00 Тарих саҳифалари. «Учқундан аланга олади».
15.15 «Салом, болалар». Кўрсатувни психология фанлари доктори Ш. А. Амонашвили олиб боради.
15.45 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 Ўқитувчига — музика сабоғи. 7-синф. 2-кўрсатув.
19.45 Ритмик гимнастика.
20.15 «Пьер Пуйяд» денгизга отланди». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Шахмат мактаби». Разрядлилар синфи.
21.15 «Альфа-альфа». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Автобус ҳайдовчиси». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
19.30 Ўқитувчилар учун консультация. Музика дарсларида ўқувчиларни меҳнат таълимига ўргатиш.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чақмоқ сари бораман». Бадиий фильм. 2-серия. (рус.).



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р—13759.

4 БЕТ **ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

16 МАЙ, 1985 й.